

## Юқори тезликдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида техник регламент

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент (кейинги ўринларда – Техник регламент) юқори тезликдаги темир йўл транспортига татбиқ этилади ҳамда аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, атроф муҳитни, юридик ва жисмоний шахслар, давлатнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш мақсадида юқори тезликдаги темир йўл транспортига қўйиладиган хавфсизлик талабларини белгилайди.

2. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти мазкур техник регламентнинг техник жиҳатдан тартибга солиш объекти ҳисобланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ҳаракатланиш тезлиги 200 км/соатдан ортиқ, йўл изининг кенглиги 1520 мм бўлган умумий фойдаланишдаги темир йўлларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун топширилувчи янги ишлаб чиқариладиган (модернизация қилинадиган), тайёрланадиган юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва унинг таркибий қисмлари;

б) юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси, хусусан: юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг темир йўл, темир йўл электр таъминоти, темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси, темир йўл телекоммуникациялари, шунингдек, станция бино-иншоотлари, қурилмалари ва мосламалари каби қуйи тизимлари;

юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси қуйи тизимларининг таркибий қисмлари ва қуйи тизимлари таркибий қисмларининг элементлари.

3. Мазкур Техник регламент талаблари юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва унинг таркибий қисмлари, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини лойиҳалаш (шу жумладан тадқиқотлар олиб бориш), ишлаб чиқариш, қуриш, монтаж қилиш, созлаш, қурилиши тугалланганларини қабул қилиш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолашда мажбурийдир.

Мазкур Техник регламент талаблари мазкур техник регламентга 1-иловадаги рўйхатда келтирилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаси объектларига татбиқ этилади.

4. Юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл транспортдан фойдаланишга ҳамда ундан фойдаланиш жараёнида темир йўл транспорти ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қисми бўйича қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикасининг темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасининг норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

## 2-боб. Атамалар ва таърифлар

6. Мазкур Техник регламент мақсадлари учун қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

**авариявий крэш-гизим** – юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг тўқнашуви ва (ёки) издан чиқиши ҳолатида хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчиларнинг шикастланиш хавфининг олдини олиш ёки камайтиришга йўналтирилган ҳаракатдаги темир йўл таркибининг қурилмаси;

**автоматик тормоз** – ҳаво ўтказгич магистрали ажралиши ёки узилишида ва (ёки) шошилиш тормоз (стоп-кран) очилишида поезднинг автоматик тўхташини таъминлайдиган қурилма;

**давлат назорати органи** – техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишга ваколатли бўлган давлат бошқаруви органи;

**иншоотларнинг яқилашиш габарити** – кўндаланг чегаравий (темир йўл ўқиға перпендикуляр (тик)) ўлчам бўлиб, унинг чегарасидан ичкариға темир йўл ҳаракатдаги таркибдан ташқари бирон бир қурилма ва мосламаларнинг қисмлари ўтмаслиги, шунингдек темир йўллар яқинида ётган материаллар, эҳтиёт қисмлар ва жиҳозлар тушмаслиги лозим, темир йўл ҳаракатдаги таркиби билан бевосита ўзаро алоқа қилишға мўлжалланган мосламаларнинг қисмлари (маҳкамлагич қисмлари бўлган контакт симлари, сув олиш пайтида гидравлик колонкалар хоботи ва бошқалар), ушбу мосламаларнинг габарит ички майдонидаги жойлашуви темир йўл ҳаракатдаги таркибнинг тегишли қисмлари билан боғланганлиги ҳамда улар темир йўл ҳаракатдаги таркиби бошқа элементлари билан тўқнашувларға олиб келмаслиги шарти билан, бундан мустасно;

**инновацион маҳсулотлар** – маҳсулотлар, технологик хусусиятлар (функционал хусусиятлари, дизайни, қўшимча жараёнлар, шунингдек, ишлатилган материаллар ва таркибий қисмларнинг таркиби) ёки улардан фойдаланиш мақсадға мувофиқлиги илгари ишлаб чиқарилган ўхшаш маҳсулотлардан тубдан янги ёки сезиларли даражада фарқ қиладиган маҳсулот;

**контакт тармоғи** – электр энергиясини тортиш подстансияларидан юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг ток қабул қилувчи мосламаларигача узатишни таъминловчи симлар, қурилмалар ва ускуналар

тўплами;

**локомотив автоматик сигнализацияси** – юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги состави яқинлашаётган йўл светофорларининг сигналларини машинист кабинасига автоматик тарзда узатувчи мосламалар жммуи;

**магнит релсли тормоз** – тормоз бошмоғини релсга электромагнит тортиш йўли билан тормоз кучланишини ҳосил қилувчи қурилма;

**машинист кабинаси** – юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби кузовининг пардеворлар билан ажратилган, локомотив бригадаси иш жойлари, юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибини бошқариш учун асбоб ва мосламалар жойлашган қисми;

**мақбул хавф** – маҳсулот ҳаёт циклининг барча босқичларида таъминланиши зарур бўлган хавфсизлик даражасига мос келадиган, ишлаб чиқарувчининг техник ва иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, юқори тезликдаги темир йўл транспортининг инфратузилма объектлари ва темир йўл ҳаракатдаги таркибидан фойдаланишнинг хавфлилик қиймати;

**маҳсулот** – юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва унинг таркибий қисмлари, шунингдек, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг қуйи тизимлари таркибий қисмларининг элементлари ёки унинг қуйи тизимлари таркибий қисмларининг элементлари тўплами;

**маҳсулотни идентификациялаш** – тегишли маҳсулотнинг тақдим этилган техник ҳужжатларга мувофиқлигини белгилаш таомили;

**муомалага чиқариш** – маҳсулотнинг ишлаб чиқаришдан тортиб фойдаланишга топширишгача бўлган ҳаётининг даври босқичи;

**назорат остида фойдаланиш** – юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилма объектларининг техник ҳолатини қўшимча назорат қилиш ва ҳисобини юритиш билан бирга олиб борилувчи юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилма объектларидан штатли фойдаланиш;

**паспорт** – ишлаб чиқарувчи кафолатларини тасдиқловчи маълумотларни, маҳсулотнинг асосий параметрлари ва хусусиятлари (хоссалари) қийматларини, шунингдек маҳсулотни сертификатлаш ва утилизация қилиш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат;

**перегон** – темир йўл линиясининг туташ темир йўл станциялар, разъездлар, қувиб ўтиш пунктлари ёки йўл постлари билан чегараланган қисми;

**пневматик тормоз** – пневматик бошқарувли тормоз;

**рекуператив тормозланиш** – юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг электродинамик тормоз ёрдамида амалга оширилувчи тормозланиши, бунда тортувчи электр двигателларнинг генератор режимига ўтказилиши ҳисобига ажралиб чиқувчи электр энергияси контакт тармоғига узатилади;

**сертификатлаштирилган маҳсулот** – техник регламентлар

талабларига мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш сертификатлаштириш шаклида амалга оширилган маҳсулот;

**станция бино, қурилма ва ускуналари** – темир йўл станцияларида юк, почта жўнатмалари ва поездлар билан амалиётларни бажариш, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси ва юқори тезликдаги ҳаракатдаги таркибига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бино, қурилма, ускуналарнинг технологик мажмуаларини ўз ичига олган юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг қуйи тизими;

**тайинланган ресурс** – маҳсулот ишлашининг умумий давомийлиги бўлиб, унга етгач техник ҳолатидан қатъи назар маҳсулотдан фойдаланиш тўхталиши лозим;

**тайинланган сақлаш муддати** – маҳсулотни сақлаш муддатининг календар давомийлиги бўлиб, бу муддатга етгач техник ҳолатидан қатъи назар маҳсулотни сақлаш тўхтатилиши лозим;

**тайинланган хизмат муддати** – маҳсулотдан фойдаланиш муддатининг календар давомийлиги бўлиб, бу муддатга етгач техник ҳолатидан қатъи назар маҳсулотдан фойдаланиш тўхтатилиши лозим;

**таъмирлаш ҳужжатлари** – таъмирлашни ташкил этиш бўйича кўрсатмаларни, капитал, оралик ва жорий таъмирлар, назорат, тартибга солиш, синовлар, консервациялашни амалга ошириш, таъмирлашдан, йиғиш ва синов ишларидан кейин маҳсулотни ташиш ва сақлаш қоида ва тартибларини, шунингдек, таъмирдан кейин маҳсулот жавоб бериши лозим бўлган кўрсаткич ва меъёрларнинг қийматларини ўз ичига олган ҳужжат;

**темир йўл** – юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси қуйи тизими бўлиб, темир йўлларнинг устки қурилмаларини, тупроқ кўтармасини, тупроқ кўтармасининг ажратилган минтақада жойлашган дренаж, сув ўтказувчи, деформацияга қарши, ҳимоя ва маҳкамловчи иншоотларини, шунингдек, сунъий иншоотларни ўз ичига олади;

**темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси** – перегон ва станцияларда ҳамда манёвр ишларида юқори тезликдаги темир йўл транспорти ҳаракатини бошқаришни таъминловчи сигнализация, марказлаштириш ва блокировкалашнинг техник қурилмалари ва мосламалари тўпламини ўз ичига олган юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг қуйи тизими;

**темир йўл станцияси** – темир йўл линиясини перегон ёки блок-участкаларга ажратадиган, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси ишини таъминлайдиган, поездларни қабул қилиш, жўнатиш ва қувиб ўтиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш ҳамда юкларни, багаж ва юк багажларини қабул қилиш, тарқатиш бўйича амалиётларни амалга ошириш имконини бераувчи йўл ривожига эга бўлган, ривожланган йўл мосламаларига эга бўлганида эса поездларни тузиш ва тарқатиш бўйича манёвр ишларини ҳамда поездлар билан техник амалиётларни бажариш имкониятига эга бўлган

пункт;

**темир йўл телекоммуникацияси** – юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг қуйи тизими бўлиб, юқори тезликдаги темир йўл транспортининг технологик жараёнларини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида телекоммуникация хабарларини шакллантириш, қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва етказиб беришни таъминловчи техник қурилмалар ва мосламалар тўпламини ўз ичига олади;

**темир йўл электр таъминоти** – юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси қуйи тизими бўлиб, электр энергиясини истеъмол қиладиган юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг қуйи тизимларини, шунингдек юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибни электр манбаи билан таъминлайдиган техник қурилмалар ва мосламалар тўпламини ўз ичига олади;

**техник мослик** – юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг бир-бири билан ва юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси билан мазкур техник регламентда белгиланган талабларга мувофиқ ҳамкорликда ҳаракат қилиш қобилияти;

**тормозлаш йўли** – юқори тезликдаги темир йўл ҳаракат ҳаракатдаги таркибининг, тормоз тизимини бошқариш асбоблар ва ускуналарига таъсир қилинганидан, шу жумладан, шошилинич тормозлаш крани (стоп-кран) ишга тушганидан бошлаб тўлиқ тўхтагунига қадар босиб ўтадиган масофаси;

**тўхтаб туриш тормози** – юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби бирлигида жойлашган ва уни тўхташ жойида ўз-ўзидан кетиб қолишдан асраш, шунингдек, юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби бирлиги ичида дастакли ёки автоматик узатма мавжудлигида авариявий мажбурий тўхтатиш учун мўлжалланган дастакли ёки автоматик узатмали қурилма;

**фойдаланиш бўйича қўлланма** – маҳсулотнинг конструкцияси, фаолияти тамойили, хусусиятлари (хоссалари) тўғрисидаги маълумотларни ҳамда маҳсулотдан хавфсиз ва тўғри фойдаланиш (мақсадли фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, жорий таъмирлаш, сақлаш ва ташиш), таъмирлашга жўнатиш заруратини аниқлашда техник ҳолатини баҳолаш учун зарур бўлган кўрсатмаларни, шунингдек, маҳсулотни утилизация қилишга оид маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат;

**фойдаланиш ҳужжатлари** – ўзи алоҳида ёки бошқа ҳужжатлар билан биргаликда маҳсулотдан фойдаланиш қоидаларини белгилайди ва (ёки) ўзида маҳсулотлар асосий параметрлари ва хусусиятлари (хоссалари)нинг ишлаб чиқарувчи томонидан қафолатланган қийматларини тасдиқловчи маълумотларни, шунингдек, белгиланган хизмат муддати давомидаги қафолатлар ва фойдаланиш бўйича маълумотларни акс эттирадиган конструкторлик ҳужжатлари;

**формуляр** – ишлаб чиқарувчи қафолатларини тасдиқловчи маълумотларни, маҳсулотнинг асосий параметрлари ва хусусиятлари

(хоссалари) қийматларини, кўрсатилган маҳсулотнинг техник ҳолатини акс эттирувчи маълумотларни, маҳсулотни сертификатлаш ва утилизация қилиш тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, ундан фойдаланиш даврида киритиладиган (иш давомийлиги ва шартлари, техник хизмат, таъмирлаш ва бошқалар тўғрисидаги) маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат;

**хавфни баҳолаш** – таҳлил қилинган хавф даражасини олдиндан белгиланган мезонлар билан таққослаш ва хавфни қайта ишлашни талаб қиладиган соҳаларни аниқлаш жараёни;

**хавфсизликни асослаш** – хавфни таҳлил қилиш, шунингдек, хаёт даврининг барча босқичларида маҳсулотга ҳамроҳ бўладиган конструкторлик, технологик, фойдаланишга доир илова ҳужжатлардаги хавфсизликни таъминлаш бўйича зарур бўлган минимал чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилгандан кейинги фойдаланиш босқичида рискларни баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдириб бориладиган ҳужжат;

**хавфсизлиги далили** – маҳсулотнинг хавфсизлиги тўғрисидаги ҳужжат бўлиб, маҳсулотнинг норматив, лойиҳа ва конструкторлик ҳужжатларида ифодаланган хавфсизлик талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги далиллар тўпламини ҳамда маҳсулот хавфсизлик кўрсаткичларининг мақбул қийматларга мувофиқлиги далилларини ўз ичига олади;

**чегаравий ҳолат** – юқори тезликдаги темир йўл транспортининг инфратузилма объектлари ва темир йўл ҳаракатдаги таркибининг кейинги фаолиятига йўл қўйиб бўлмайдиган ёки фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёхуд уларнинг иш қобилиятини тиклаш имконсиз ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолати;

**шошилинич тормозлаш** – максимал тормоз кучини ишга тушириш орқали юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибини дарҳол тўхтатишни талаб қиладиган ҳолларда қўлланиладиган тормозлаш;

**шошилинич тормозлаш крани (стоп-кран)** – юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби тормоз магистралидан ҳавони чиқариш ва шошилинич тўхташ заруратида автоматик тормозларни ҳаракатга келтириш учун хизмат қиладиган тормозлаш крани;

**электродинамик тормоз** – тортиш электродвигателларини генератор режимига ўтказиш йўли билан юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги составнинг кинетик энергиясини электр энергиясига ўзгартириш орқали тормозлаш кучини вужудга келтирадиган ускуна;

**электропневматик тормоз** – пневматик тормозларни электр бошқарувли тормозлаш ускунаси;

**юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объекти** – темир йўл транспорти инфратузилмаси қуйи тизимларининг таркибий қисми ёки унинг қуйи тизимларининг таркибий қисмлари тўплами;

**юқори тезликдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги** – юқори тезликдаги темир йўл транспортининг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига,

жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкига, давлат мулкига, шунингдек атроф муҳит, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига зарар етказиш билан боғлиқ йўл қўйиб бўлмайдиган хавф-хатар мавжуд бўлмаган ҳолати;

**юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби** – йўловчилар ва (ёки) бағажни, почта жўнатмаларини ташиш учун мўлжалланган, ҳаракатланиш тезлиги 200 км/соатдан ортиқ бўлган юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби шакллантириладиган моторли ва моторсиз вагонлар;

**юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби бирлиги** – юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби шакллантириладиган моторли ва моторсиз вагонлар;

**юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби габарити** – кўндаланг чегаравий (йўл ўқиға тик) ўлчам бўлиб, унда юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби юкли, бўш, янги ёки максимал меъёрий эскиришларга эға бўлишидан қатъий назар текис горизонтал йўлга излар энидаги энг ноқулай шароитларда, ёнбош оғмаларсиз ва динамик тебранишларсиз қўйилганида четға чиқиб кетмасдан жойлашиши лозим;

**юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби конструкциявий тезлиги** – лойиҳалаш бўйича техник ҳужжатларда қайд этилган энг катта ҳаракатланиш тезлиги;

**юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг таркибий қисми** – юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг конструкциясига кирувчи ва ундан хавфсиз фойдаланишни, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчилар хавфсизлигини таъминловчи детал, йиғма бирлик, мажмуа ёки уларнинг тўплами;

**юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби тормозланиши** – тезликни камайтириш ёки ҳаракатланаётган юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибини тўхтатиш мақсадида тормоз тизимини бошқариш учун асбоб ва қурилмаларға таъсир қилиш;

**қабул қилиш** – қурилиши тугалланган юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектининг мазкур техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш шакли;

**қуйи тизимларнинг таркибий қисми** – юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг қуйи тизимлари ишини ва юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминловчи махсус мақсадли қурилма, иншоот, мослама ва ускуналар;

**қуйи тизим элементи** – юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси қуйи тизимининг таркибий қисмини қуриш ва йиғишда фойдаланиладиган буюм ёки конструкция.

### **3-боб. Хавфсизлик талаблари**

7. Мазкур Техник регламент зарар етказиш хавфи даражасини ҳисобға олган ҳолда, махсулотға қўйиладиган ҳамда уларнинг бажарилиши:

- а) нурланиш хавфсизлигини;
- б) биологик хавфсизликни;
- в) портлаш хавфсизлигини;
- г) гидрометеорологик хавфсизликни;
- д) механик хавфсизликни;
- е) ёнғин хавфсизлигини;
- ж) саноат хавфсизлигини;
- з) термик хавфсизликни;
- и) кимёвий хавфсизликни;
- к) электр хавфсизлигини;
- л) электромагнит мослашувчанликни, асбоб ва жиҳозлар хавфсиз ишлашини таъминлаш қисми бўйича;

м) ўлчовлар бир-хиллигини таъминлайдиган минимал зарур талабларни белгилайди.

8. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулотини лойиҳалашда ҳисоб-китоб, тажриба ва экспертлаш йўли билан, шу жумладан, ўхшаш темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулотидан фойдаланиш бўйича маълумотлар асосида хавфлилик даражаси баҳоланиши лозим. Хавфни баҳолаш усуллари мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) мақсадлари учун қўлланиладиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланиши мумкин.

9. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулотининг хавфсизлиги:

а) темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулотини лойиҳалашда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари тўпламини амалга ошириш;

б) апробация қилинган техник ечимларни қўллаш;

в) маҳсулотнинг тайинланган хизмат муддатлари ва (ёки) ресурсларини белгилаш, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни зарур даврийлик билан ўтказиш;

г) апробация қилинган услубиётларга асосланган ҳисоб-китоблар тўпламини амалга ошириш;

д) фойдаланиш параметрлари ва шартларидан келиб чиқиб темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулотини лойиҳалаш (шу жумладан, тадқиқотлар), ишлаб чиқариш, қуриш, йиғиш, созлаш ва фойдаланишга топширишда қўлланиладиган материаллар ва моддаларни танлаш;

е) чегаравий ҳолатлар мезонларини белгилаш;

ж) лойиҳачи томонидан амалга ошириладиган муаллифлик назорати орқали лойиҳа ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини назорат этиш;

з) маҳсулотни утилизация қилиш шартлари ва усулларини аниқлаш;

и) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби учун хавфли



об-ҳаво ҳодисалари параметрларини белгилаш ва ушбу хавfli об-ҳаво ҳодисалари юзага келиши устидан инструментал мониторингни ташкил этиш;

к) маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш орқали таъминланади.

10. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулоти ўзининг мустаҳкамлиги, барқарорлиги ва техник ҳолати бўйича рухсат этилган қийматлар доирасидаги энг юқори тезликдаги билан поездларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаши лозим.

11. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулоти:

а) темир йўл ҳаракатдаги таркиби яқинлашиш габаритига риоя қилинишини;

б) иншоотларнинг яқинлашиш габаритига риоя қилинишини;

в) ташқи иқлим, геофизик ва механик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш шартлари бажарилишини;

г) темир йўл транспорти инфратузилмаси ва ушбу инфратузилмада фойдаланилаётган бошқа темир йўл ҳаракатдаги таркиби билан техник мосликни;

д) филдиракларни издан чиқиб кетишига қарши бардошлиликни;

е) оғма участкаларда юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги составнинг ағдарилиб кетишига қарши бардошлиликни;

ж) тўхтаб туриш жойидан ўз-ўзидан кетиб қолишнинг олди олинишини;

з) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги составнинг динамик кучланишни узатиш учун тортиш ва тормозлаш режимларида уланишини;

и) рухсат этилган тормозлаш йўлини;

к) пагонли кучланишнинг, темир йўлга таъсир бўйича йўл қўйилган чегаравий кучларнинг, ҳисобланган ўқ юкламаларининг ошиб кетмаслигини;

л) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби таркибий қисмлари темир йўлга тушишининг олди олинишини;

м) тортиш кучи, тормозлаш ва тезланиш қийматларининг йўл қўйилган чегаравий кўрсаткичларига мувофиқлигини;

н) санитар-эпидемиологик, экологик ва гидрометеорологик хавфсизликни;

о) электр жиҳозларнинг электромагнит мослашувчанлигини, асбоб ва жиҳозларнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш қисми бўйича;

п) электр жиҳозларининг юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг темир йўл автоматика ва телемеханика, темир йўл электр алоқа қурилмалари билан электромагнит мослашувчанликни;

р) ёнғин хавфсизлиги талабларининг бажарилишини;

с) юклашнинг йўл қўйилган режимлари ва таъсирларда мустаҳкамликни;

т) бўйлама ва кўндаланг ҳисобланган динамик юкламаларни қўллашда пластик деформацияларнинг бўлмаслигини;

у) юклашнинг кам цикли ва кўп цикли режимларида чарчашга

қаршиликни;

ф) фойдаланиш режимларининг барча диапазонларида (электр таъминотининг номинал ва чегаравий режимларида) электр жиҳозлари ишининг хавфсизлиги ва ишончлилигини;

х) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби таркибий қисмларининг ўзаро ва юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг конструкторлик ҳужжатларида назарда тутилмаган элементлари билан уриниш нуқталарининг мавжуд эмаслигини;

ц) темир йўлларнинг оғма участкаларида темир йўл ҳаракатдаги таркибининг уланишини;

ч) энергетик самарадорлик талабларига мувофиқликни таъминлаши лозим.

12. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилма объектлари ва маҳсулотини лойиҳалашда лойиҳачи (ишлаб чиқувчи) инсонлар, жониворлар ва ўсимликлар ҳаёти ва соғлиғига зарарли ва (ёки) хавфли таъсирларнинг экология соҳасига оид қонунчиликларида белгиланган йўл кўйилиши мумкин бўлган даражасини таъминлайдиган қарорларни танлаши лозим. (Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилма объектларини ва маҳсулотини лойиҳалашда, лойиҳачи, экология соҳасига оид давлат қонунчилигида келтирилган меъёрларга асосан инсон ҳаёти ва соғлиғига, жониворлар ва ўсимликлар зарарли ва (ёки) хавфли таъсирларини ўрганган ҳолда аниқ ечимларни танлаши керак)

13. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилма объектлари ва маҳсулотининг лойиҳаловчи (ишлаб чиқувчи) томонидан танланган конструкциялари белгиланган хизмат муддати ва (ёки) ресурси, тайинланган сақлаш муддати даврида хавфсиз бўлиши, шунингдек, фойдаланиш жараёнида учраши мумкин бўлган таъсирлар ва юкламаларга чидамли бўлиши лозим.

14. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалашда, лойиҳаловчи (ишлаб чиқувчи) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг тўқнашуви ва (ёки) издан чиқиши ҳолатларида хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчиларни ҳимоя қилиш учун авариявий крэш-тизимларни назарда тутиши лозим.

15. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулотини лойиҳалашда, лойиҳаловчи (ишлаб чиқувчи), зарур ҳолларда, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулоти фаолиятининг хавфсизлигини таъминлайдиган дастурий воситаларни назарда тутиши лозим.

16. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва унинг таркибий қисмлари конструкциясига, шунингдек, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулоти қурилишининг лойиҳа ҳужжатларига ўзгартишлар киритишда мазкур техник регламентда назарда тутилган, лойиҳалаш пайтида белгиланган хавфсизлик талаблари пасайтирилиши мумкин эмас.

17. Маҳсулотнинг конструкцияси ёки тайёрлаш технологиясига хавфсизликка таъсир этувчи ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, маҳсулотнинг мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш мазкур техник регламентнинг 5-бобида белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим.

18. Маҳсулотлардан ҳосил бўладиган электромагнит шовқинлар даражаси, ушбу шовқинлар юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари, бошқа маҳсулотлар, шунингдек, юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг иш қобилиятига таъсир қилмайдиган чегара қийматлардан ошмаслиги лозим.

19. Маҳсулот учун, қуйи тизимлари таркибий қисмларининг хавфли элементларидан фойдаланиш тўхтатилганидан кейин улардан фойдаланишни олдини олиш мақсадида, утилизация қилиш тартиби назарда тутилиши лозим.

20. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулотлари фойдаланишга топширилишидан олдин, лойиҳалаш ҳужжатларида назарда тутилган жойларда хавфлар ҳамда хавфсиз фойдаланиш шартлари тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзувлар ёзиб қўйилган ва (ёки) белгилар ўрнатилган бўлиши лозим.

21. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулотларини фойдаланишга топширишда фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатларининг тўплами мавжуд бўлиши шарт.

22. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топширишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликлари талаблари бажарилиши лозим.

23. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулотларини лойиҳалашда антропоген юқнинг атроф-муҳитга таъсирининг рухсат этилган меъёрлари ҳисобга олинishi, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва баргараф этиш чоралари ҳамда ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндиларни жойлаштириш усуллари назарда тутилиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий муҳитни қайта тиклаш, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта ишлашга ёрдам берадиган ресурс тежовчи, кам чиқиндили, чиқиндисиз ва бошқа замонавий технологиялар қўлланилиши лозим.

24. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва маҳсулотларини қуришда, Ўзбекистон Республикаси қонунчиликларига мувофиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий муҳитни қайта тиклаш, ерларни рекультивация қилиш ва ҳудудларни кўкаламзорлаштириш бўйича чоралар кўрилиши лозим.

25. Темир йўл инфратузилмаси объектлари ва маҳсулотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топшириш пайтида ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб ўтиш йўлларини ва уларнинг доимий яшаш жойларини, шу жумладан наслчилик, қишлаш даврида сақлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни назарда тутиш ва амалга ошириш лозим.

26. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби, унинг жиҳозлари жойлашуви ва ўрнатилиши бўйича улардан фойдаланишда, кўрик ўтказишда, техник хизмат кўрсатишда, таъмирлашда хизмат кўрсатувчи персоналнинг хавфсизлигини таъминлаши лозим.

Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ундан фойдаланишда, кўрик ўтказишда, техник хизмат кўрсатишда, таъмирлашда хизмат кўрсатувчи персоналнинг хавфсизлигини таъминлайдиган зинапоя, тутқич ва мосламаларга эга бўлиши лозим.

27. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг бошқарув, назорат ва хавфсизлик тизимлари, унинг фойдаланиш бўйича қўлланмасида назарда тутилган ишнинг барча режимларида ва барча ташқи таъсирларида ишчанлик ҳолатини таъминлаши лозим.

Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг бошқарув ва назорат тизимлари хизмат кўрсатувчи персоналнинг мантиқий хатолари эҳтимолида хавфли ҳолатлар юзага келишини истисно этиши лозим.

28. Бошқарув, назорат ва хавфсизлик тизимлари юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва унинг таркибий қисмлари соз ҳолатининг, хавфсизликка таҳдид солувчи ҳолатларга олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни келтириб чиқарувчи бузилишлари ҳақида огоҳлантирадиган сигнализация ва ахборот узатувчи воситаларни ўз ичига олиши лозим.

29. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг ўзига ўрнатиладиган, шунингдек материал ташувчиларда етказиб бериладиган дастурий воситалари:

а) техник воситаларнинг носозлиги ва (ёки) ишдан чиқишидан юзага келувчи қайта юкланишлардан кейин ишчанлик қобилиятини ҳамда ўзининг носозликларида бутунликни;

б) маълумотни сақлаш, киритиш, қайта ишлаш ва чиқаришда компьютер вирусларидан, рухсат этилмаган аралашувдан, ишдан чиқиш, хатолик ва носозликлар оқибатларидан, ахборотнинг тасодифий ўзгариши эҳтимолларидан ҳимояланишни;

в) илова ҳужжатларида баён қилинган хоссалар ва тавсифларга мувофиқликни таъминлаши лозим.

30. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби мазкур техник регламент талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган версиядаги дастурий таъминотга эга бўлиши лозим.

31. Тортиш узатмаси ва бошқа жиҳозлари электр, гидравлик ва (ёки) пневматик қисмлар аппаратларининг носозлигида, дастурий таъминот ишдан чиққанида ишлаётган ҳолатларида юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг бошқарув, назорат ва хавфсизлик тизими юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби хавфсиз ҳолатининг бузилишига олиб келувчи хусусиятлар ва иш режимининг ўзгаришларига йўл қўймаслиги лозим. Борт ускуналари соз ҳолатда ишлаётганида бошқарув тизимининг ишдан чиқиши

юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг тўхтаб қолишига ва унинг лойиҳа хусусиятлари бузилишига олиб келмаслиги лозим.

32. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибини бошқарадиган асбоб ва ускуналар:

а) конструкторлик ҳужжатларига мувофиқ равишда ёзув ва (ёки) рамзлар билан таъминланган бўлиши;

б) шундай лойиҳаланиши ва жойлаштирилиши лозимки, бунда уларнинг ихтиёрий бўлмаган ёқилиши, ўчирилиши ёки ўзгартирилишини истисно қилиши;

в) бажарадиган функцияларининг муҳимлиги, фойдаланиш кетма-кетлиги ва изчиллигини инобатга олган ҳолда жойлаштирилиши лозим.

33. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби қуйидаги ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

а) поезд радиоалоқаси;

б) кириш ва чиқиш светофорларига, темир йўл кесишмалари ва станцияларига яқинлашганда ҳаракатланиш тезлигини назорат қилишни ҳамда нутқий ахборотни олиш (узатиш) имкониятини таъминловчи автоматлаштирилган бошқарув тизими;

в) ҳаракатланиш параметрларининг регистратори;

г) локомотив автоматик сигнализацияси;

д) электропневматик тормоз;

е) “йўловчи-машинист” алоқаси;

ж) эшиклар ёпилишининг назорат сигнализацияси;

з) автоматик ёнғин сигнализацияси.

34. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг бош вагонлари ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга ёрдам берувчи сунъий йўлдош навигация ускуналари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

35. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг хавфсизлик борт ускуналари қуйидагиларни:

а) станция ва перегонларда диспетчерлик марказлаштириш ва диспетчерлик назорати тизими, сигнализация тизимлари, сигнализация, марказлаштириш ва блокировкалаш тизимларидан, шунингдек бошқа юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг хавфсизлик борт ускуналаридан поезд ҳолатига оид сигналларни қабул қилиш;

б) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг ҳаракатланиш параметрларини аниқлаш;

в) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни қайд этиш;

г) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби тизим ва ускуналари диагностикаси, шу жумладан, ўз-ўзини диагностикалаш;

д) электропневматик тормозлашни бошқариш;

е) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг ўз-ўзидан кетиб қолиши назорати;

ж) машинист хушёрлигининг даврий назорати;

з) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг маълумотлар узатишнинг умумий канали орқали, шу жумладан юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибида жойлашган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, ахборот алмашинувини амалга ошириш;

и) машинистни ахборот билан;

к) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибини машинист томонидан бошқариш имконияти йўқотилган ҳолатларда юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги составни автоматик тўхтатишни таъминлаши лозим.

36. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби машинистининг кабинаси конструкцияси қуйидагиларни таъминлаши лозим:

а) “ўтириш” ва “тик туриш” ҳолатидаги локомотив бригадасига ҳаракатланиш йўли, пол устки сигналлари, қўшни йўллар, составлар ва контакт тизимини ҳеч қандай тўсқинликсиз кўришни;

б) локомотив бригадаси ходимларидан бирининг “тик туриш” ҳолатида вагонлар таркибига яқинлашганда ҳамда манёврларда иштирок этаётган персоналнинг иш зонаси кўринишини;

в) йил ва сутканинг исталган вақтида, ҳар қандай об-ҳаво шароитида, ҳаракатнинг барча тезликларида машинист кабинасидан ҳеч қандай тўсқинликсиз кўришни таъминлаши лозим.

37. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби машинист кабинасининг олд ойналари деразаларга ишончли маҳкамланган ва зичлаштиргичларга эга бўлиши лозим.

38. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби машинисти кабинасининг жойлашув режаси, локомотив бригадаси иш жойи, бошқариш асбоблари ва ускуналари, ахборотни кўрсатиш тизимларининг жойлашуви, машинист ўриндиғининг конструкцияси эргономика ва системотехника талабларига жавоб бериши лозим.

Бошқарув пульти ҳамда машинист ва унинг ёрдамчиси иш жойини лойиҳалашда, “тик туриш” ва “ўтириш” ҳолатларидан бошқариш қулайлигини таъминловчи эргономика талаблари инобатга олинishi лозим.

Бошқарув асбоблари ва ускуналари, ўлчов асбоблари, бошқарув пултидаги нурли индикаторлари жойлашуви ва конструкцияси кўрсатиб ўтилган асбоблар кўрсаткичларининг кундузги ва тунги вақтда, нурнинг тўғридан-тўғри тушиши ёки акс этишидан ҳосил бўлувчи шуълалар мавжуд бўлмаганида тиниқ кўринишини таъминлаши лозим.

Машинист кабинасидаги ёритилганлик праметрлари, ўлчов асбоблари шкалаларининг ёрқинлиги йўл қўйилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар чегарасида бўлиши лозим.

39. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби умумий, маҳаллий ва авариявий ёритиш тизимлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Авариявий ёритиш тизими асосий таъминот манбасида кучланиш бўлмаганида автоном таъминот манбасига (аккумулятор батареясига)

автоматик тарзда ўтишини таъминлаши лозим. Бунда авариявий ёритиш тизимини қўлда ёқиш имконияти назарда тутилган бўлиши лозим.

40. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг машинист кабинасини ёрдамчи мосламалардан фойдаланган ҳолда ён деразалар орқали фавқулодда тарк этиш имконияти назарда тутилган бўлиши лозим.

Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби вагоннинг ҳар бир томонидан авариявий чиқиш жойлари билан жиҳозланиши ҳамда зарур ҳолларда хизмат кўрсатувчи персонал ва (ёки) йўловчиларни авариявий эвакуация қилиш воситаларига эга бўлиши лозим.

Авариявий чиқиш жойини очишга битта одамнинг кучи етарли бўлиши лозим.

41. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби хизмат кўрсатувчи персонал ва (ёки) йўловчилар учун мўлжалланган ички хоналарининг ойналари, юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибига тўхтаб турганида ёки ҳаракатланиш йўлида зарбли таъсирлар бўлган вазиятларда хизмат кўрсатувчи персонал ва (ёки) йўловчилар хавфсизлигини таъминлаши лозим.

42. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг кўздан кечириш, созлаш ва техник хизмат кўрсатиш талаб қилинувчи ички қисмлари ҳамда зарур ҳолларда ташқи томон ишчи жиҳозланиши, қўшимча ёритиш имкониятига эга бўлиши лозим.

43. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби автоматик тормозлар билан жиҳозланган бўлиши, улар составни тормозлаш пайтида секинлашишни ёки ҳисобланган тормозлаш йўли чегарасида тўхташни таъминлаши лозим.

Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг автоматик тормозлари фойдаланишининг турли шароитларида зарур функционаллик ва ишончлиликага эга бўлиши, силлиқ тормозланишни таъминлаши, шунингдек, тормоз магистрالي бутунлиги бузилганида ёки юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби бирликларининг рухсатсиз узилишида юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг тўхташини таъминлаши лозим.

44. Автоматик тормозлар юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг узунлиги ва темир йўл профилига боғлиқ равишда тормозланишининг турли ҳил режимларини қўллаш имкониятини таъминлаши лозим.

45. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибидаги стоп-кранлар йўловчи вагонларининг ичкарасида ўрнатилган ва пломбаланган бўлиши лозим.

Стоп-кран фаоллаштирилганида уни йўловчилар томонидан ўчириш имконияти истисно этилиши лозим. Поезд бригадаси стоп-кран фаоллаштирилганлиги тўғрисида овозли ва визуал кўринишда хабардор қилиниши лозим. Йўловчи вагонларидаги стоп-кранларни машинист кабинасидан блоклаш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

46. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби тўхтаб туриш тормозлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг тўхтаб туриш тормозлари ҳисобланган тормозлаш босимини ва юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби бирлигини йўл қўйилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар чегарасида тутиб туришни таъминлаши лозим.

Тўхтаб туриш қўл тормози штурвали, штурвалнинг ўз-ўзидан айланишини истисно қилувчи ускуна билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Автоматик тўхтаб туриш тормозлари қўлланилишига йўл қўйилади.

47. Узилиши ёки синиши уларнинг темир йўлга тушишини ёки юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби габаритдан ташқарига чиқиб кетишини келтириб чиқарувчи юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг таркибий қисмлари, химоя қилаётган жиҳозларнинг оғирлигини йўл қўйилган кийматлар чегарасида кўтара оладиган сақловчи ускуналарга эга бўлиши лозим.

48. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг асосий ҳаво резервуарлари ва аккумулятор батареялари машинист кабинаси, йўловчи ташиш салонлари ва хизмат кўрсатувчи персонал учун мўлжалланган хоналарнинг ташқарисида ўрнатилиши лозим.

49. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби электродинамик тормозининг (мавжуд бўлганида) ҳаракати хизмат ёки шошилишч тормозлашни амалга оширишда пневматик ва электропневматик тормозлар иши билан келишилган бўлиши шарт. Электродинамик тормоз ишдан чиққанида уни автоматик равишда пневматик тормоз билан алмаштириш таъминланиши лозим.

50. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги составда тормозлаш самарадорлигини ва ҳаракат хавфсизлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар (масалан, диски, магнит релсли тормозларни қўллаш) назарда тутилган бўлиши лозим.

51. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби темир йўл ҳаракатдаги таркибининг ўз-ўзидан ажралиб кетишини истисно қиладиган ва фавқулодда вазиятларда унинг эвакуация қилинишини таъминлайдиган улаш ускунаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Автосцепка ускунаси таркибида энергия ютувчи аппарати бўлиши лозим.

52. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ғилдирак жуфтликларининг ғилдираклари, ўқи ва бандажи конструкторлик хужжатларида белгиланган текширувдан ўтиш ёки хизмат муддатининг тўлиқ даврлари давомида нуқсонлар (ёриқлар)нинг юзага келиши ва ривожланишига барқарорликни таъминлайдиган статик қувват захирасига ва чарчоққа қарши зарур коэффициентга эга бўлиши лозим.

Ғилдираклар, ўқ ва бандажларнинг механик хоссалари, зарб кучи ва қолдиқ таранглик ҳолати тайинланган хизмат муддати давомида уларнинг



механик хавфсизлигини таъминлаши лозим.

53. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материаллар ва моддалар одамлар ва атроф-муҳит учун хавфсиз бўлиши лозим.

54. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби машинист кабиналарининг, юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ички хоналарининг микроиклим кўрсаткичлари, шовкин, инфратовуш, вибрация, ультратовуш даражаси, электромагнит нурланиш, ёритиш, ҳаво таркиби кўрсаткичлари иш ўринлари учун рухсат этиладиган қийматлардан ошмаслиги лозим.

Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг ташқи шовқини рухсат этиладиган қийматлардан ошмаслиги лозим.

55. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва унинг таркибий қисмларини ишлаб чиқариш, фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнида суюқликлар (кислота, ишқор, суюлтирилган газлар) ва ёқилғи-мойлаш моддаларини қўллаш инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жониворлар ва ўсимликларга хавфли таъсирларнинг юзага келишига олиб келмаслиги лозим.

56. Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг зинапоялари ва тутқичлари ишончли маҳкамланган бўлиши лозим. Зиналар, майдонлар, зинопоялар ва настиллар юзаси сирпанишга тўсқинлик қилиши лозим.

57. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг конструкциясида уларни домкрат билан кўтариш учун махсус жойлар инobatга олинган бўлиши лозим. Домкрат головкаси билан туташинишга мўлжалланган сирт уларнинг сирпанишига тўсқинлик қилиши лозим.

Ғилдирак жуфтликлари релсдан чиқиб кетган ҳолларда юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг ҳар бир бирлигини кранлар ва домкратлар билан кўтариш, шунингдек ғилдирак жуфтликлари тишлашиб қолганида уни транспортировка қилиш имконияти инobatга олинган бўлиши лозим.

58. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва унинг таркибий қисмлари конструкцияси ва жиҳозларининг ташқарига чиқиб турувчи деталлари хизмат кўрсатувчи персонал ва (ёки) йўловчиларни жароҳатлайдиган ўткир ёнлар, қирралар ва бурчакларга эга бўлмаслиги лозим.

59. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги состав вагонларининг салонлари, юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг машинист кабинаси ички юзаларини пардозлаш ишлари учун фойдаланиладиган материаллар ва моддалар ёнғин келиб чиқиши ва ривожланиши ҳамда ёнғин хавфли омилларининг инсонларга таъсири кўрсаткичлари рухсат этиладиган хатар даражаси қийматларидан ошмаслиги лозим.

Йўловчи вагонларининг, агар вагон кузатувчиларининг купелари мавжуд бўлса, кузатувчи купеси ва йўловчилар салони ораси, купели

вагонларда эса купелар ораси ҳам ёнғинни ушлаб қолувчи тўсиқлар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Нокупе типигаги вагонларнинг ва купе типигаги вагонлар катта (асосий) йўлагининг шифт усти бўшлиғи ёнғинни ушлаб қолувчи фрамугларни ўрнатиш йўли билан камида учта зонага ажратилган бўлиши лозим.

Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги составнинг машинист кабинаси юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг қолган қисмидан ёнғинни ушлаб қолувчи тўсиқлар билан тўсилган бўлиши лозим.

60. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги составда хизмат кўрсатувчи персонал ва йўловчиларнинг ўтиш йўлаклари бўйлаб вагондан вагонга хавфсиз ўтиши таъминланиши лозим. Ўтиш майдончаларининг конструкцияси ёпиқ турда бўлиши лозим, яъни хизмат кўрсатувчи персонал ва йўловчиларнинг юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг ташқи элементлари, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг контакт тармоғи, йўл изининг устки тузилиши ва шу каби бошқа элементлари билан тасодифий алоқа қилиш эҳтимолини истисно қилиши, шунингдек, хизмат кўрсатувчи персонал ва йўловчилар ўтиш майдонида бўлганида уларга нисбатан атроф-муҳит омилларнинг салбий таъсирини минималлаштириши лозим.

61. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ўриндик ва диванлари полга мустаҳкам ўрнатилганлиги ҳамда конструкцияси бўйича уларнинг ағдарилиш эҳтимолини, шу жумладан шошилиш тормозланиш пайтида ағдарилишини, инкор этиши лозим.

Йўловчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг шахсий юкларини жойлаштириш ва сақлаш жойлари шундай ҳисоб-китоблар билан жойлаштирилган бўлиши лозимки, бунда шошилиш тормозлаш ва (ёки) фавқулодда эвакуация пайтида йўловчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларга улар томонидан шикаст етказилмаслиги лозим.

Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби вагонларининг жойлашув режаси, йўловчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун жойларнинг жойлаштирилиши эргономика ва систематехника талабларига жавоб бериши лозим.

62. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби дизел, электр машиналар, вентиляторлар, компрессорлар ва бошқа асбоб-ускуналарининг айланадиган қисмлари хизмат кўрсатувчи персонал ва йўловчиларнинг юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг ҳаракатланадиган қисмлари билан тасодифий алоқасини истисно қилувчи махсус қурилмалар билан тўсилган бўлиши лозим.

63. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг электр жиҳозлари ортиқча юкланишда, қисқа туташувларда, ерга уланишнинг туташувларида, электр жиҳозларининг ортиқча кучланишида, шунингдек, рекуператив тормозлаш, шатаксияш ва ғилдирак жуфтликларининг сирғалишлари пайтидаги контакт тармоғидаги кучланишни ечишда ишлаб

кетувчи ҳимоя ва сигнализацияга эга бўлиши лозим. Ҳимоянинг ишга тушиши электр жиҳозларининг шикастланишини истисно этиши ва хавфли оқибатларга: туташ ёки ёнғинга олиб келувчи рухсат этилмайдиган қизиб кетишга ва (ёки) электр жиҳозлари изоляциясининг тешилишига олиб келувчи ортиқча кучланишларга олиб келмаслиги лозим.

64. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги составнинг кучланиш остида бўлган электр жиҳозларининг ҳимояланмаган (изоляцияланмаган) қисмлари хизмат кўрсатувчи персонал ва (ёки) йўловчилар уларга тасодифий киришининг олдини олувчи ҳимояга эга бўлиши лозим.

Электр жиҳозларининг металл қобиклари, шунингдек, носозлигида рухсат этилган қийматлардан каттароқ кучланиш остида бўлиб қолиши мумкин бўлган барча тўсиқлар (шу жумладан қувурлар), ток ўтказувчи қисмларни маҳкамлаш учун конструкциялар юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг корпусига, ерга уланиши лозим.

65. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби электр ҳимоя воситалари тўпламини сақлаш учун махсус жойлар, шунингдек, юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибидан хавфсиз фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган бошқа махсус ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

66. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва унинг таркибий қисмлари юзага келтириб чиқараётган электромагнит шовқинлар даражасининг кўрсаткичлари юқори тезликдаги темир йўл транспортининг инфротузилма объектлари ва унда фойдаланилаётган юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг иш самарадорлигига ушбу шовқинлар таъсир қилмайдиган чегарадаги қиймат кўрсаткичларларидан ошмаслиги лозим.

67. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибнинг ҳаракатланишида юзага келадиган бош ҳаво тўлқинининг ортиқча босими ва электрсизланиши йўловчи платформаларида ёки темир йўл яқинида бўлган йўловчиларга хавфли таъсир кўрсатмаслиги лозим.

68. Аккумулятор қутиси портлаш хавфидан холи бўлиши лозим.

69. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ёнғин сигнализация тизимлари, ўт ўчириш қурилмалари, ўт ўчириш ускуналарини жойлаштириш учун махсус жойлар, ёнғинга қарши ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Ёнғин сигнализация тизимлари ёнғин жойини кўрсатувчи акустик ва (ёки) оптик маълумотларни узатиш, қабул қилиш – назорат мосламаси билан хабар берувчилар алоқа линияларидаги носозликларни (қисқа туташув, узилишни) автоматик равишда аниқлаш, шунингдек уларнинг созлигини мунтазам текшириш имконияти таъминланган бўлиши лозим.

70. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

а) ҳаво ҳароратини, намлигини бир хилда сақлаш (иситиш, совутиш, вентиляция қилиш) тизими, чекиш жойлари ҳавони рециркуляциясиз хонадан

ташқарига чиқариб юборадиган алоҳида вентиляция тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим;

- б) поезд ички телефон алоқаси;
- в) буксалар қизиб кетишининг назорат тизими;
- г) ичимлик ва хўжалик сув таъминоти тизими;
- д) экологик тоза ҳожатхона мажмуалари.

71. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг вагонлари бевосита йўловчи ташиш салонларида жойлашган, йўловчиларни локомотив ёки поезд бригадаси билан алоқа ўрнатишлари учун мўлжалланган ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

72. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби вагонларининг кириш эшиклари хизмат кўрсатувчи персонал ва (ёки) йўловчилар хавфсизлигини таъминлайдиган очилиш (ёпилиш) тизимлари (қурилмаси) ва назорат тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби вагонларининг кириш эшиклари поезд ҳаракатланаётганида уларни йўловчилар ёки бегона шахслар томонидан очилишини истисно этувчи қулфлаш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

73. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби вагонларининг кириш эшиklarини авариявий очилиши штат схемасига мувофиқ уларни очик ҳолатда ўрнатилиши билан амалга оширилиши лозим. Тираб очиладиган типдаги кириш эшиklarининг авариявий очилиши юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ҳаракатланиш тезлиги рухсат этилган қийматлар доирасида бўлганида қўл режимида амалга оширилиши лозим.

74. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ногирон ва ёш болали йўловчилар учун мўлжалланган жойлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

75. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг, ҳаракатида чекловларга эга бўлган фуқаролар учун мўлжалланган йўловчи вагонлари ва қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

- а) ногиронлар аравачасини тез кўтариш, тушириш ва ишончли маҳкамлашга мўлжалланган ускуналар;
- б) кенгайтирилган майдонга эга бўлган махсус санузеллар;
- в) кенгайтирилган ўтиш жойлари.

76. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби визуал ва овоз сигнал ускуналари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

77. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги состав бош вагонларининг олд қисмлари прожектор ҳамда ўнг ва чап томонларидан иккита буфер сигнал чироқлари билан жиҳозланиши лозим.

Прожектор юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби бош вагони симметрияларининг кўндаланг ўқи бўйлаб ўрнатилиши лозим. Прожекторнинг бўйлама нури темир йўлнинг горизонтал текислигига параллел равишда йўналтирилиши лозим. Прожекторни ёқиш схемаси

ёруғликнинг номинал бўйлама кучини таъминлайдиган ёрқин чироқни ва хира чироқни ёқиш имкониятини назарда тутиши лозим.

Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ҳаракатланаётганида прожектор ишини заҳиралаш имконияти таъминланган бўлиши лозим.

78. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби овозли сигнал мосламалари – баланд овозли (тифонлар) ва паст овозли (хуштак) мосламалар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Тифон ва хуштакни ёқиш мосламаси машинист ва ёрдамчи машинистга оптимал яқин масофада жойлашган бўлиши лозим. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги составнинг овозли сигналларини назорат қилиш тизими бир-бирини такрорлашга эга бўлиши – механик таъсир йўли билан тифоннинг ҳаво клапанини бевосита тўғридан-тўғри бошқариш ускуналарини ўз ичига олиши лозим.

79. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг ток қабул қилувчи ускунаси контакт симининг ишқаланиш юзасидан пастда жойлашган тўсиқларга урилганида, ток қабул қилувчи ускунаси авариявий тушириш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ток қабул қилувчи ускунаси ёйини контакт симига тушадиган юкининг аэродинамик қийматининг статик қийматига нисбати рухсат этилган қийматлардан ошмаслиги лозим.

80. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида темир йўлларга, темир йўл йўлининг таркибий қисмларига ва темир йўл таркибий қисмларининг элементларига қуйидаги талаблар қўйилади:

а) темир йўлнинг барча таркибий қисмлари (тупроқ полотноси, йўлнинг юқори тузилиши ва бошқалар) ҳамда темир йўл таркибий қисмларининг элементлари ( релслар, стрелкали ўтказгичлар, релс туташмалари, шпаллар, баласт ва бошқалар) мустаҳкамлиги, кўтариш қобилияти ва чидамлилиги бўйича юқори тезликдаги темир йўл таркибининг рухсат этилган қийматлар доирасидаги энг юқори тезлик билан хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаши лозим;

б) йўлнинг юқори тузилиши ва тупроқ кўтармаси темир йўлнинг режада ва бўйлама профилдаги ҳолати барқарорлигини таъминлаши лозим. Эгриларнинг геометрик параметрлари юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг, ғилдираклари релсдан чиқиши ва ағдарилишига тўсқинлик қилувчи барқарорлигини таъминлайдиган қилиб ўрнатилиши лозим;

в) темир йўллар оқава сув ва сув омборлари бўйлаб жойлашганида оқава сувлар орқали сув ўтказувчи иншоотларга яқинлашганда ер кўтармасининг чеккалари даражаси, шунингдек мустаҳкамловчи нишаблар тепаси энг юқори сув сатҳидан белгиланган қийматгача ошиш эҳтимоли асосида маълум бир қийматгача кўтарилиши мумкин;

г) улоқсиз темир йўл йўл конструкцияси поезд ва ҳарорат юкламаларининг бир вақтдаги таъсирида релсшпали панжаралар отилиб

чиқишини истисно қилиши лозим;

д) сунъий иншоотлар, иншоотларнинг ўзига ҳамда темир йўлларга хавфсиз хизмат кўрсатишга мўлжалланган ускуналарга (тротуарлар, панжарали бошпаналар, кўприкли настил, токчалар, камералар, зинапоялар, тутқичли тушиш жойлари, махсус кузатув ускуналари ва мосламалари, огоҳлантиручи сигнализация ва бошқалар) эга бўлиши лозим;

е) стрелкали ўтказгичлар юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ҳаракатланаётганида остряклар ва крестовинларнинг ҳаракатланувчи қисмлари рухсатсиз ўтказилишининг олдини олишга мўлжалланган ускуналарга эга бўлиши лозим;

ж) кўндаланг кесимнинг геометрик ўлчамлари ва туннелларнинг конструктив ечимлари ва юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг туннелга кириши ва унда ҳаракатланиши пайтида юзага келадиган ортикча аэродинамик босим миқдорини минималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим;

з) темир йўл таркибий қисмларини ўз ичига олган юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини лойиҳалашда, шунингдек, темир йўл таркибий қисмлари элементларини ўз ичига олган маҳсулотларни лойиҳалашда туннелларда, ёпиқ чуқурликларда ва ер ости станцияларида юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги составнинг максимал тезликда ўтиш пайтидаги аэродинамик босимнинг ўзгаришларини камайтириш бўйича қарор қабул қилиш учун махсус тадқиқотлар ўтказилиши лозим;

и) туннелдаги зарарли моддаларнинг таркиби атмосфера ҳавосидаги рухсат этилган максимал концентрациясидан ошмаслиги лозим;

к) темир йўлларни лойиҳалаш ва қуришда уларнинг автомобил йўллари ва шаҳар йўловчи транспорти линиялари билан кесишмалари бир хил даражада бўлишига йўл қўйилмайди;

л) темир йўл йўлларни юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг таркибига кирадиган ва кирмайдиган, турли мақсадларга мўлжалланган қувурлар билан ер усти ёки ер ости (тупрок полотноси ости) усулларда кесишишига йўл қўйилади, бунда қувурлар белгиланган узокликда ва чуқурликдаги (ер ости усулида) химоя қувурига ёки туннелга жойлаштирилиши лозим. Кўтармаларда қувур ўтказмаларини ўрнатишга йўл қўйилмайди. Темир йўлларнинг қувурлар билан ер усти кесишмаларида иншоотлар яқинлашиш габаритига риоя этилиши таъминланиши лозим. Кўрсатиб ўтилган кесишмаларни жойлаштириш юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг эгаси билан келишилади;

м) темир йўл орқали ўтадиган одамларнинг кесиб ўтиш, чорва молларини ҳайдаш ва ёввойи ҳайвонларни кўчириш жойлари турли хил даражаларда лойиҳаланади ва жиҳозланади;

н) ён йўлдаги стрелкали ўтказгич орқали ҳаракатланаётган юқори

тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги составнинг белгиланган ҳаракат тезлиги рухсат этилган қийматлардан ошадиган кўндаланг тезланишларнинг пайдо бўлишига олиб келмаслиги лозим;

о) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ўтаётганда темир йўл яқинида жойлашган аҳоли пунктлари, бинолар ва иншоотлар учун тебраниш даражаси рухсат этилган қийматлардан ошмаслиги лозим;

п) темир йўл бўйлаб яқин жойлашган иншоотлар ва қурилмалар (шовқиндан ҳимоя қилиш деворлари ва бошқалар) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ўтаётганида хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳимояланиши учун пана жойларга эга бўлиши лозим;

р) темир йўл, юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибдан тарқалаётган шовқин даражасини рухсат этилган қийматларгача камайтириш учун мўлжалланган шовқинлардан ҳимоя қилувчи қурилмалар ва ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим;

с) бегона одамлар ва ҳайвонларнинг темир йўлларига рухсатсиз кириб боришига йўл қўймаслик мақсадида темир йўл узунлиги бўйлаб тўсилган бўлиши лозим;

т) темир йўлларнинг тўсиқлари одамлар ва ҳайвонларнинг темир йўлларга рухсатсиз кириб боришга уринишларини аниқловчи техник воситалар билан жиҳозланган бўлиши лозим;

у) юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг ағдарилишига ва релслардан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган кучли ён шамолли участкаларда бундай шамолларнинг, белгиланган максимал тезликда ҳаракатланаётган юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибига нисбатан таъсирини чеклаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилиши лозим;

ф) темир йўлларнинг қор уюми билан қопланиш эҳтимоли бўлган жойлари қор ушлаб қолувчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим;

х) темир йўлларни лойиҳалашда фавқулодда вазиятларда йўловчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ҳимоя қилиш чоралари кўрилиши лозим.

81. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида темир йўл электр таъминоти, темир йўл электр таъминотининг таркибий қисмлари ва темир йўл электр таъминоти таркибий қисмларининг элементларига қуйидаги талаблар ўрнатилади:

а) шартларга риоя этиш орқали, қуйидагиларни таъминлаш:

кучланиш остида бўлган темир йўл электр таъминоти таркибий қисмларининг элементларидан ерлатувчи қисмларгача, ернинг юзасигача, пиёдалар кўпригилари, зинапоялар, йўловчилар платформасининг тўшамасигача хавфсиз масофани;

темир йўл электр таъминоти таркибий қисмларининг элементларидан юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасига кирмайдиган электр узатиш линияларигача хавфсиз масофани;

электр ускуналар корпусларига ва бошқа металл конструкцияларга тегинганда кучланиш йўл қўйиладиган миқдордан ошмаслигини;

хавфли зоналарга рухсат этилмаган киришга ёки кучланиш остидаги темир йўл электр таъминоти таркибий қисмларининг элементларига тегинишга тўсқинлик қилувчи тўсиқ ва блокировкалар мавжудлиги;

темир йўл электр таъминоти таркибий қисмларининг элементларидан ҳосил бўладиган радиоҳалақитлар даражаси йўл қўйиладиган миқдордан ошмаслиги;

тортиш тармоғи ёки электр узатиш линиясининг автоматик тарзда ўчирилиши;

темир йўл электр таъминоти ва юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг бошқа қуйи тизимлари иш ҳолатини шикастланишига ёки бузилишига олиб келиши мумкин бўлган шароитларда тортиш тармоғи ёки электр узатиш линияларининг автоматик тарзда ўчирилиши;

огоҳлантириш белгиларни мавжудлиги;

нормал ва авариявий режимларда ёнғин хавфчилигини;

б) параметрлари қуйидаги талабларга жавоб берувчи ускуналардан фойдаланиш:

изоляциясининг электр мустаҳкамлиги йўл қўйиладиган миқдордан паст бўлмаган;

меъёрий токда ускунанинг ток ўтказувчи қисмларининг ҳарорати атроф-муҳит ҳароратидан йўл қўйиладиган миқдоридан баланд бўлмаган;

контакт тармоғи ажратгичининг ўчирилган ҳолати ҳақида сигнал мавжуд бўлмаганда, изоляцион ораликнинг энг кам миқдорининг изоляцион ораликнинг энг катта миқдорига нисбати рухсат этилган қийматдан кам бўлмаган;

контакт тармоғи таянчлари учун устунлар, таянчларнинг пойдеворлари ва мустаҳкам кўндаланг ригелларнинг мустаҳкамлик коэффициенти йўл қўйиладиган қийматдан кам бўлмаган;

контакт тармоғининг таянч конструкциялари ўрта қисмидаги нисбий эгилиши йўл қўйиладиган қийматдан кам бўлмаган;

диодли ерлатгичнинг тескари кучланиши йўл қўйиладиган қийматдан кам бўлмаган;

импульсли кучланишнинг рухсат этилган қийматлари доирасида уланиш станцияларининг химоя қурилмалари ишга тушадиган;

электромагнит майдонларнинг хавфли ва зарарли таъсирдан химояланиш лозим даражада бўлган;

авариявий режимда ишлаганда (ортиқча юкланиш, қизиб кетиш, қисқа туташув ва бошқалар), унинг қисмлари ёниб кетишини истисно этувчи, темир йўл электр таъминотининг бутловчи қисмлари элементларининг автоматик тарзда ўчадиган;

в) қуйидаги таъсирлар остида темир йўл электр таъминоти ускуналарининг механик мустаҳкамлигини таъминлаш:

эксплуатацион зўриқишлар;

ҳисобий авариявий режимдаги зўриқишлар;



монтаж ишларидаги зўриқишлар;

г) бир вақтнинг ўзида эксплуатацион ёки авариявий зўриқишлар ва эксплуатация қилинадиган ҳудуднинг меъёрий кўрсаткичлари, жумладан минимал ҳарорат, максимал ҳарорат, шамолнинг максимал тезлиги ёки шамолли яхлик режимларига мос келувчи иқлим омилларининг таъсири остида темир йўл электр таъминотининг хавфсиз ишлаши;

д) кучланиш остида қолиши ва электр токи уриши эҳтимолидан тезкор ва тезкор-таъмирлаш ходимларининг хавфсизлигини қуйидагилар орқали таъминлаш:

барча қурилмаларни кучланиш манбаларидан ажратиб олиш имкониятини берувчи барча тарқатиш қурилмаларининг занжирларида (тортма (тортиб чиқариладиган) блокчи ячейкалардан ташқари) кўринадиган ажратгичларни ўрнатиш;

тортиш ва трансформатор нимстанцияларнинг 1000 В дан ортиқ кучланишга эга барча тақсимлаш қурилмаларини, шунингдек темир йўл электр таъминоти таркибий қисмларининг чизиқли элементлари, аппарат ва шиналарни ерланилишини таъминловчи стационар ерлатувчи мосламалар ҳамда коммутацион аппаратлар билан нотўғри операцалар бажарилишини олдини олувчи блокировкаш ёки бошқа қурилмалари билан жиҳозлаш;

стационар тўсиқлар, трансформаторларга кўтарилиш учун зиналар фақат ерлатувчи мосламалар ёқилгандагина тўсиқларни очилиши, зиналарни иш ҳолатига келтириш имконини таъминловчи блокировка ва бошқа қурилмалар билан жиҳозлаш;

е) юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибининг темир йўл электр таъминоти таркибий қисмларининг элементлари, юқори тезликдаги темир йўл инфратузилмаси қуйи тизимларининг иншоотлари ва қурилмалари ёрдамида уларни хавфсиз ишлашини ва энергетик самарадорлигини таъминловчи сифат кўрсаткичларини оширувчи электр энергия билан таъминлаш;

82. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси, темир йўл автоматикаси ва телемеханикасининг таркибий қисмлари ҳамда темир йўл автоматикаси ва телемеханикасининг таркибий қисмлари элементларига қуйидаги талаблар ўрнатилади:

а) автоматика ва телемеханиканинг барча таркибий қисмлари ҳамда автоматика ва телемеханиканинг таркибий қисмларининг барча элементлари юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибининг ўрнатилган тезлик ва минимал ҳаракатланиш интервали билан хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаши лозим;

б) юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби ҳаракатининг диспетчерлик марказлаштируви ва диспетчерлик назорати қуйидагиларни таъминлаши лозим:

бир ёки бир неча темир йўл станциялари ва перегонларининг стрелкалари ва светофорларини ушбу станция ва темир йўл посларида электр

марказлаштириш қурилмаларини захиравий бошқаруви билан таъминлаган ҳолда битта диспетчерлик марказидан марказлаштирилган бошқарувни;

перегонлар, станциялар ва станцияларга туташган блок-участкалар темир йўлларининг бўшлиги (ёки бандлиги) ва стрелкаларнинг ҳолати, шунингдек кириш, маршрут ва чиқиш светофорларининг ишораларини доимий назоратини;

станция ва перегонларда сигнализациялаш, марказлаштириш ва блокировкалаш қурилмаларининг техник ҳолатини доимий назоратини;

блок-участканинг сохта бандлик ҳолатида ҳаракатланиш параметрларини ўзгартириш имкониятини, шу жумладан юқори тезликда ҳақатланувчи ҳаракатдаги темир йўл таркибининг шошилиш тўхташи ва юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибини тақиқловчи ишорали светофордан ўтиб ҳаракатланиши учун руҳсат беришни;

юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибининг ҳаракати ҳақида йўловчиларни хабардор қилиш учун зарур маълумотларни узатишни, шунингдек юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби яқинлашаётганлиги ҳақида темир йўл изида ишларни бажараётган ходимларни хабардор қилишни;

в) станция ва перегонларда сигнализациялаш, марказлаштириш ва блокировкалаш қуйидагиларни таъминлаши шарт:

станция ва перегонларнинг ҳар бир йўлидан икки йўналишда юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибини ўрнатилган кесишмайдиган маршрути бўйича ўрнатилган тезликларда ўтказиш;

юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибини бошқа юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби билан банд бўлган темир йўл участкасига киришини олдини олиш (блоклаш);

юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибининг ҳолатини назорат қилиш, стрелкаларни ўтказиш, маршрут тайёрланишида уларнинг ҳолати ва ташқи беркилишини назорат қилиш, шунингдек светофорларни бошқариш ва зарур бўлган ўзаро боғлиқ операциялар кетма-кетлигини бажариш;

қурилма ва техник воситаларнинг техник ҳолатини назорат қилиш ҳамда зарурат бўлса уларни захиралаш;

темир йўл станцияларида юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби яқинлашаётганлиги ҳақида автоматик тарзда огоҳлантириш;

юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби остида стрелкани ўтказилишига йўл қўймаслик;

г) техник диагностика ва мониторинг тизими темир йўл автоматика ва телемеханика қурилмаларининг ишдан чиқиш олди ҳолатини назоратини таъминлаши;

д) темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг бошқа қуйи тизимлари ва юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби билан мос келиши лозим;

е) темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси, темир йўл автоматикаси ва телемеханикасининг таркибий қисмлари ҳамда темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси таркибий қисмларининг элементлари лойиҳалашда назарда тутилган барча шароит ва режимларда, улар учун белгиланган хизмат муддати давомида яроқлик ҳолатини сақлаб туриши лозим;

83. Темир йўл электр алоқаси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, темир йўл электр алоқаси таркибий қисмлари ва темир йўл электр алоқаси таркибий қисмларининг элементларига қуйидаги талаблар ўрнатилади:

а) темир йўл электр алоқаси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, темир йўл электр алоқаси таркибий қисмлари ва темир йўл электр алоқаси таркибий қисмларининг элементлари ўрнатилган тезликларда ва минимал ҳаракат интервалида юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаши лозим;

б) темир йўл электр алоқаси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, темир йўл электр алоқаси таркибий қисмлари ва темир йўл электр алоқаси таркибий қисмларининг элементлари иш фаолиятининг параметрларини ва алоқа технологик тармоғи ва частотали-вақтинчалик синхронизациянинг интеграциялашган бошқарувини мониторингини таъминлаши лозим;

в) темир йўл электр алоқаси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, темир йўл электр алоқаси таркибий қисмлари ва темир йўл электр алоқаси таркибий қисмларининг элементлари юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг бошқа қуйи тизимлари ва юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби билан мос келиши лозим;

г) темир йўл электр алоқаси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, темир йўл электр алоқаси таркибий қисмлари ва темир йўл электр алоқаси таркибий қисмларининг элементлари лойиҳалашда назарда тутилган барча шароит ва режимларда яроқлик ҳолатини, улар учун белгиланган хизмат муддати давомида сақлаб туриши лозим;

84. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида станциянинг бино, иншоот ва қурилмаларига, станциянинг бино, иншоот ва қурилмаларининг таркибий қисмларига ҳамда станциянинг бино, иншоот ва қурилмалари таркибий қисмларининг элементларига қуйидаги талаблар ўрнатилади:

а) йўловчиларни чиқариш, тушириш ва уларга хизмат кўрсатиш операцияларини хавфсиз амалга ошириш учун станциянинг бино, иншоот ва қурилмалари мослаштирилган бўлиши лозим. Йўловчилар биноларидан йўловчилар платформаларига чиқиш, шунингдек йўловчилар платформаларидан пиёдалар кўприги ва тоннелига чиқиш, вазифалари одамларнинг хавфсизлигига боғлиқ бўлмаган бошқа бино, иншоот ва қурилма билан ҳалақит қилинмаслиги, шунингдек одамлар болалар аравачаси билан ва ҳаракати чекланган фуқаролар ҳаракатланиши учун жиҳозланган бўлиши лозим;

б) йўловчилар платформаси ҳаракатланаётган юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибининг аэродинамик таъсирдан инсонларни

ҳимоя қилиш мақсадида бевосита бош темир йўл излари бўйлаб жойлаштирилмаслиги лозим;

в) пиёдалар тоннеллари ва ер ости станциялари авариявий ёритиш чироқларига ва авария чиқиш йўлакларига эга бўлиши лозим;

г) электр марказлаштирилган стрелкали станциялар, тоннеллар ва кўприкларда, юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби яқинлашаётганлиги ҳақида темир йўл изида ишларни бажараётган ходимларни хабардор қилиш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим;

д) стационар жойлашган иншоотлар ва уларнинг алоҳида қисмлари ўрнатилган иншоотларнинг яқинлашиш габаритларига риоя этилишини, мазкур иншоотлар ва уларнинг алоҳида элементлари юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибининг элементлари билан бевосита тўқнашувини олдини олиш мақсадида таъминлашлари лозим;

е) темир йўл станциялари юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибини поездлар ҳаракатланиш маршрутига ихтиёрий равишда чиқиб кетишини олдини олишчи қурилмаларга эга бўлиши лозим – улар марказлаштириш ва блокировкалаш тизимига уланиш талабларга мувофиқ бўлиши, тўсилганлик ҳолатини назоратига эга ва юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибини ихтиёрий равишда бошқа йўлларга ва поездларнинг қабул қилиш, йўналишдаги ва жўнатиш маршрутларига чиқишини истисно қилувчи ҳимояловчи берк йўллар, ҳимоялаш стрелкалари, ташлаб юборувчи остряклар ёки стрелкалар;

ж) узайган нишабликка эга перегонлар, шунингдек бундай перегонларни чегараловчи станциялар, ушбу нишабликда ҳаракатланиши давомида бошқарувни йўқотган юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибини тўхтатиш учун тутиб қолувчи берк йўллари эга бўлиши шарт;

з) темир йўл станция, депо ва бошқа ёрдамчи объектлари тўшамалар, ишора белгилари ва огоҳлантирувчи ёзувлар, шунингдек электр ёритиш мосламалари билан жиҳозланган, темир йўл изидан ўтувчи пиёдалар хизмат ўтиш йўлакчасига эга бўлиши шарт. Темир йўл изига яқин бўлган хизмат биноларидан чиқиш жойлари ҳимояловчи тўсиқларга (барьерлар) эга бўлиши шарт;

и) темир йўл станцияларидаги объект ва бинолари юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсизлиги, манёвр ҳаракатланишлар хавфсизлиги, йўловчиларни вагонларга чиқариш ва вагонлардан тушириш хавфсизлиги, ишчи ходимлар хавфсизлиги, почта, багаж ва юк багаж жўнатмаларининг муҳофазасини таъминлаш учун ўрнатилган меъёрларга мувофиқ ёритилиши лозим. Ташқи ёритиш сигнал чироқларининг тиник кўринишига таъсир кўрсатмаслиги лозим;

к) компрессор ускуналарининг ҳаво тортиш жойлари, шунингдек двигателлар ва бошқа асбоб-ускуналарнинг газ чиқариш тизимлари аэродинамик шовқин ва газ оқими глушителлари (шовқинни пасайтирадиган

мосламалари), шунингдек бошқа ҳимоялаш мосламалари билан жиҳозланиши шарт;

л) электр узатиш ҳаво линиялари темир йўл излари орқали темир йўл станциялари бўғизидида кесишмаслиги лозим;

м) янги ва боғловчи темир йўл изларини бош темир йўл изларига туташшига йўл қўйилмайди;

**4-боб. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби  
ҳамда юқори тезликдаги темир йўл транспорти  
инфратузилмасининг объектларини  
тамғалашга қўйиладиган талаблар**

85. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби, унинг таркибий қисмлари ҳамда юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг объект ва элементлари мазкур техник регламент, шунингдек, амал қилиши уларга татбиқ этиладиган темир йўлларда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлганида муомалага киритилади.

86. Мувофиқлиги мазкур техник регламент талаблари билан тасдиқланмаган темир йўл транспорти инфратузилмасининг объектлари ва элементлари маҳсулотнинг бозорларда муомалада бўлишининг ягона белгиси билан маркировкаланмаслиги, бозорга муомалага чиқарилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишга топширилмаслиги лозим.

87. Маҳсулот фойдаланиш бўйича қўлланмада такрорланиши ва тушунтирилиши лозим бўлган, яхши фарқланадиган идентификация ва огоҳлантирувчи ёзувлар ва маркировкага эга бўлиши лозим.

88. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби конструкциявий ҳужжатларга мувофиқ, ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, ҳаракатдаги темир йўл таркибини идентификациялашни таъминловчи қуйидаги тамғага эга бўлиши лозим:

- а) маҳсулот бозорда муомалада бўлишининг ягона белгиси;
- б) ишлаб чиқарувчи номи ва (ёки) унинг товар белгиси;
- в) маҳсулот номи ва (ёки) серияси ёки русумининг белгиси, рақами;
- г) ишлаб чиқарилган санаси;
- д) тара массаси;
- е) конструкциявий тезлиги;
- ж) ўтказилган таъмирлар тўғрисида табличка ёки ёзув;
- з) йўловчилар учун жойлар сони (йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби учун).

89. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибнинг таркибий қисмлари, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси қуйи

тизимларининг таркибий қисмлари ва юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси қуйи тизимлари таркибий қисмларининг элементлари ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар конструкторлик ҳужжатларига мувофиқ, маҳсулот идентификациясини таъминлайдиган маркировкага эга бўлиши лозим, жумладан:

- а) маҳсулот бозорда муомалада бўлишининг ягона белгиси;
- б) ишлаб чиқарувчининг номи ёки унинг савдо белгиси, маҳсулот номи;
- в) ишлаб чиқарилган санаси.

Агар маҳсулотнинг ўзига хос конструкциявий хусусиятларига кўра маркировкани маҳсулотнинг ўзига бевосита тушириш имкони бўлмаса, уни фақат ўрамга туширилишига ва маҳсулотга илова қилинадиган фойдаланиш ҳужжатларида кўрсатилишига йўл қўйилади.

90. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларида ўрнатилган, ўлчовлар бирхиллиги таъминланишини давлат томонидан тартибга солиш соҳасига таъллуқли бўлган ўлчов воситалари тасдиқланган турда бўлиши ҳамда метрология соҳасидаги қонунчиликларига мувофиқ қиёслаш белгиси ва (ёки) қиёслаш тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлиши лозим.

91. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркибининг ғилдирак жуфтликлари конструкциявий ҳужжатларга мувофиқ маркировка ва тамға белгиларига эга бўлиши лозим

92. Юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатдаги таркиби машинист кабинаси ва вагонларининг ойналари конструкциявий ҳужжатларга мувофиқ куйидаги маркировкага эга бўлиши лозим:

- а) бозорда муомалада бўлиш белгиси;
- б) ишлаб чиқарувчи номи ва (ёки) унинг товар белгиси;
- в) ойна тури белгиси;
- г) ҳимоя синфи;
- д) сертификатлаш тўғрисидаги маълумотлар.

93. Маркировка ва фойдаланиш ҳужжатлари давлат тилида бўлиши лозим ва заруратга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин.

### **5-боб. Юқори тезликдаги темир йўл транспортининг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини таъминлаш**

94. Ихтиёрий равишда қўлланиладиган стандартларда назарда тутилган маҳсулот хавфсизлигининг рухсат этилган қийматларини (бундан кейин - рухсат этилган қийматлар) таъминлаш, техник регламент талабларига риоя қилиш учун етарли шарт ҳисобланади.

95. Мазкур техник регламент билан боғлиқ бўлган стандартлар рўйхатини Ўзбекистон стандартлар институти агентлиги (кейинги ўринларда - институт) тасдиқлайди.

96. Стандартлаштириш бўйича халқаро ҳужжатларга хавфсизлик талаблари билан боғлиқ ўзгартиришларни киритишда, ўзгартириш таклифини киритаётган тараф томонидан киритилаётган ўзгартиришларнинг хатарлик томонларини ҳисоблаб чиқиши керак.

### **6-боб. Мувофиқлигини баҳолаш**

97. Мазкур Техник регламентга 1-иловада келтирилган маҳсулотлар ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш (тасдиқлаш) мажбурий сертификатлаш ва мувофиқлигини декларациялаш йўли билан амалга оширилади.

Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг мувофиқлигини баҳолаш мазкур регламентнинг 167 – 175-бандлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

98. Маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш мажбурий мувофиқликни тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

99. Лойиҳа ҳужжатларининг давлат экспертизаси қонунчиликларига мувофиқ ўтказилади.

Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари фойдаланишга қабул қилинишида, уларни тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига ўрнатилган тартибда уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда ушбу техник регламентга мувофиқлиги ўрнатилади.

100. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини фойдаланишга қабул қилинишида юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини қуриш вақтида амалга ошириладиган, технологик операцияларни бажарилишига тааллуқли қурилиш назорати (қабул комиссиялари) натижалари ҳисобга олиниши керак.

Қурилиш назорати қонунчиликларига мувофиқ амалга оширилади.

101. Фойдаланишга қабул қилинадиган юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг рўйхати 2-иловада келтирилган.

Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини фойдаланишга қабул қилиш ва ишга тушириш тартиби мазкур регламентнинг 167 – 175-бандларида келтирилган.

102. Маҳсулотнинг мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) сертификатлаш;

б) мувофиқлик тўғрисида декларацияни қабул қилиш.

103. Мазкур техник регламентда белгиланган маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш (тасдиқлаш) Миллий аккредитация органи томонидан Мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестрига

киритилган аккредитациядан ўтган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари)нинг томонидан амалга оширилади.

104. Сертификатлаш пайтида маҳсулот параметрларининг зарурий синовлари ва ўлчовлари Миллий аккредитация органи томонидан Мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестрига киритилган аккредитациядан ўтган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари)нинг томонидан амалга оширилади.

Аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) сертификатлаштириш органи билан тузилган шартнома асосида ўз аккредитацияси доирасида маҳсулотлар синовларини ўтказди ва ўлчовларни амалга оширади. Аккредитациядан ўтган синов лабораториялари (марказлари) синовлар ва ўлчовлар натижаларини тегишли баённомалар билан расмийлаштирадilar ва сертификатлаштириш органига тақдим этадилар. Синов пайтида ишлатиладиган ўлчаш воситалари ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши керак.

105. Агар маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолашда стандартларнинг қоидалари қўлланилса, ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш стандартларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Стандартларнинг қўлланилмаслиги ушбу техник регламент талабларига мос келмаслиги деб баҳоланиши мумкин эмас. Бундай ҳолда, маҳсулотнинг ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун мазкур регламентнинг 115-бандига мувофиқ бошқа ҳужжатлардан фойдаланишга рухсат берилади.

106. Мажбурий талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун ишлаб чиқарувчи, ушбу техник регламентда белгиланган талабга асосан маҳсулотларни синалган услублар билан қабул қилиш, даврий ва тур синовларини ўтказди.

107. Сертификатлаштириш, сертификатлаштириш органи томонидан ариза берувчи билан тузилган шартномага асосан амалга оширади.

Сертификатлаш пайтида, ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ёхуд етказиб берилаётган маҳсулотни мазкур техник регламент талабларга мувофиқлиги таъминлаш нуқтаи назаридан ва маҳсулотни мазкур техник регламент талабларига номувофиқлигига жавобгарлик нуқтаи назаридан у билан тузилган шартнома асосида хорижий ишлаб чиқарувчининг функцияларини бажарувчи бўлган, қонунчиликларига мувофиқ рўйхатдан ўтган (якка тартибдаги тадбиркор сифатида) юридик шахс ариза берувчи бўлиши мумкин.

108. Синовларнинг турлари ва хажми, синов ҳамда ўлчовлар қоидалари ва услубларини, жумладан мазкур техник регламент талабларини қўллаш ва ижро этиш ҳамда мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш учун зарур бўлган намуналар танлаб олишни ўз ичига олган, рўйхати институт томонидан тасдиқланган стандартлар билан белгиланади.



Мувофиқликни баҳолаш бўйича ишлар муддати сертификатлаштириш идораси ва ариза берувчи ўртасидаги шартнома билан белгиланади.

Мувофиқлик сертификатини бериш муддати сертификатлаштириш идораси синов баённомаларини ва лозим бўлганда сертификатлаш пайтида аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисидаги ҳужжатларни олган кундан бошлаб 15 иш кунидан ошмаслиги керак.

Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати кўпи билан 3 йилни ташкил этади.

109. Мувофиқликни декларациялашда, ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ёхуд отказиб берилаётган маҳсулотни мазкур техник регламент талабларга мувофиқлиги таъминлаш нуқтаи назаридан ва маҳсулотни мазкур техник регламент талабларига номувофиқлигига жавобгарлик нуқтаи назаридан у билан тузилган шартнома асосида хорижий ишлаб чиқарувчининг функцияларини бажарувчи бўлган, қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтган (якка тартибдаги тадбиркор сифатида) юридик шахс ариза берувчи бўлиши мумкин.

110. Мувофиқликни декларациялаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ариза берувчи томонидан мувофиқлик декларациясини қабул қилиб, маҳсулотнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўпламини шакллантириш;

б) агар декларация схемасида назарда тутилган бўлса, маҳсулот намуналарини аккредитациядан ўтган синов лабораториясида (марказида) синовдан ўтказиш;

в) агар бу декларация схемасида назарда тутилган бўлса, ариза берувчининг сифат менежменти тизимлари ва сифат менежменти тизимини сертификатлаш бўйича сертификатлаштириш органи аризаси;

г) ариза берувчи томонидан мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни қабул қилиш;

д) сертификатлаштириш органига илова қилинган ҳужжатларга мувофиқлик декларациясини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза бериш;

е) сертификатлаштириш органи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, шунингдек, мувофиқлик декларациясини тўлдириш тўғрилигини текшириш;

ж) мувофиқлик декларациясини рўйхатдан ўтказиш;

з) мувофиқлик декларацияси натижалари тўғрисида маълумот бериш;

и) агар декларация схемасида назарда тутилган бўлса, сифат менежменти тизимларини сертификатлаштириш органи томонидан сифат менежменти тизимининг инспекция назоратини ўтказиш;

к) мувофиқлик декларацияси билан тасдиқланган маҳсулотлар устидан назорат.

111. Мувофиқликни ўз далиллари асосида эълон қилганда, ариза берувчи мувофиқлик декларациясини қабул қилиб, мустақил равишда

қуйидагиларни ўз ичига олган далилий материаллар тўпламини шакллантиради:

- а) таъсис ҳужжатлари;
- б) лойиҳалаш ва технологик ҳужжатлар;
- в) хавфсизликни асослаш;
- г) маҳсулотлар намуналарини танлаб олиш далолатномаси;
- д) ариза берувчининг ўз лабораториясида олинган маҳсулот синов натижалари бўйича баённомалари;
- е) маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ташкилотнинг стандартлари ёки техник шартлари;
- ж) бутун маҳсулот хавфсизлигига таъсир этувчи, таркибий қисмларнинг хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- з) сертификатни берган сертификатлаштириш органи томонидан сертификатланган маҳсулотлар устидан инспекция назоратини назарда тутган ҳолда сифат менежменти тизими сертификати;
- и) ариза берувчи томонидан маҳсулотларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш учун фойдаланиладиган бошқа ҳужжатлар (аналоглардан фойдаланиш, синалган усуллардан фойдаланиш ҳисоб-китоблар натижалари,).

112. Ўз далиллари ва сертификатлаштириш органи ва (ёки) аккредитация ўтган синов лабораторияси (маркази) иштирокида олинган далиллари асосида маҳсулотни мувофиқлигини декларациялашда, ариза берувчи мазкур регламентнинг 111-бандига асосан шакллантирган ўз далилларига қўшимча равишда далилий материалларга, аккредитациядан ўтган синов лабораториясида (марказида) олинган синовлар ва ўлчаш натижалари бўйича баённомасини киритади.

Мувофиқликни декларациялашда маҳсулотни идентификациялаш аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) томонидан амалга оширилади. Синов учун маҳсулот намуналарини танлаб олиш синов ва ўлчовларнинг қоидалари ва усуллари, шу жумладан ушбу техник регламентни қўллаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган намуна танлаб олиш қоидаларини ўз ичига олган стандартларда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади. Агентлик томонидан рўйхати тасдиқланган мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш, синов учун танланган маҳсулот намуналари, конструкцияси, таркиби ва ишлаб чиқариш технологияси бўйича истеъмолчига (харидорга) етказиб бериладиган маҳсулотлар билан бир хил бўлиши керак.

113. Мувофиқлик декларациясининг амал қилиш муддати кўпи билан 5 йилни ташкил этади.

114. Ишлаб чиқарувчи томонидан тасдиқланган мувофиқлик декларациялари ёки мувофиқлик сертификатларининг нусхалари маҳсулотларнинг маҳсулотнинг юк-товар ҳужжатларига илова қилинади.

115. Агар ариза берувчи маҳсулотларнинг мувофиқлигини тасдиқлашда стандартлаштириш бўйича ҳужжатларни қўлламаса ёки қисман қўлласа, унда ариза билан бирга у қуйидагиларни тақдим этади:

а) маҳсулотнинг техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

б) аккредитациядан ўтган синов лабораторияларида (марказларида) ўтказилган синовлар натижалари тўғрисида баённомалари;

в) сифат менежменти тизимининг мувофиқлик сертификати.

116. Инновацион маҳсулотларни сертификатлаш учун ариза берувчи сертификатлаштириш органига ариза юборади ва техник ҳужжатларни, шу жумладан таклиф этилаётган инновацион маҳсулотларнинг техник ечимлари учун хавфсизлик асосларини тақдим этади. Сертификатлаштириш органи тақдим этилган материалларни кўриб чиқади ва хавфсизлик талабларининг рухсат этилган кўрсаткичларидан четга чиқишлар бўлса, темир йўл соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий тартибга солиш функцияларини бажариш, уларни тузатиш бўйича таклиф олиш мақсадида ваколатли органларга юборади.

Темир йўл транспорти соҳасида давлат сиёсатини юритиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича функцияларни бажарувчи ваколатли органлар, хавфсизликни таъминлаш мақсадида инновацион маҳсулотнинг тажрибавий партиясига талабларни, жумладан инновацион маҳсулотларнинг хавфсизлигини исботлаш учун зарур бўлган назорат қилиш услублари ва синовлар ҳажмини белгилайдиган стандартларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Инновацион маҳсулотларнинг тасдиқланган стандартларга асосан синовни ижобий натижалари асосида сертификатлаштириш органи ариза берувчига инновацион маҳсулотлар партиясига мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Мувофиқлик сертификатидан инновацион маҳсулотлар намуналари сони ва мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати кўрсатилади. Инновацион маҳсулотлар намуналарига мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати 2 йилдан ошмаслиги керак.

117. Ариза берувчи қонунчиликка мувофиқ сертификатлаштириш органлари ва аккредитациядан ўтган синов лабораториялари (марказлари)нинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида шикоят билан аккредитация органига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

118. Сертификатлаштириш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ариза берувчи томонидан маҳсулотни сертификатлаштириш тўғрисидаги аризасини сертификатлаштириш органига тақдим этиш;

б) сертификатлаштириш органи томонидан сертификатлаштириш тўғрисидаги аризани баҳолаш, кўрсатилган аризага нисбатан қарор қабул қилиш ва қарорни ариза берувчига юбориш;

в) сертификатлаштириш органи билан тузилган шартнома асосида маҳсулотларни аккредитацияланган синов лабораториясида (марказида) синовдан ўтказиш;

г) агар сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган бўлса, маҳсулотни ишлаб чиқариш шароитини ёки сифат менежменти тизимини сертификатини ёхуд маҳсулотни ишлаб чиқаришни текшириш;

д) синов натижаларини экспертиза қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш шароитини ёки сифат менежменти тизимини ёхуд маҳсулотни ишлаб чиқишни текширувини экспертиза қилиш (агар у амалга оширилган бўлса) ва бошқа далилий материалларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек, мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки мувофиқлик сертификатини беришни рад этишни асослаш;

е) мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва бериш ёки ариза берувчига мувофиқлик сертификатини беришни рад этишни юбориш;

ж) сертификатлаштириш схемаларига мувофиқ, шунингдек, мувофиқлик сертификатини ва маҳсулотни бозорда айланиши ягона белгисининг қўлланилишини инспекцион назоратини амалга ошириш;

119. Ариза берувчи томонидан сертификатлашни ўтказишга ариза давлат тилида расмийлаштирилиб, қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) ариза берувчининг номи, жойлашган манзили ва реквизитлари;

б) агар ариза берувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи бўлмаса, ишлаб чиқарувчининг номи, жойлашган манзили ва реквизитлари;

в) маҳсулот ва унинг идентификацион хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар (номи, ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатура коди) маҳсулотларнинг техник тавсифи, уни қўллаш (фойдаланиш) бўйича кўрсатмалар ва мазкур регламентнинг 120 ва 122-бандларига мувофиқ бошқа техник ҳужжатлар, шунингдек маҳсулотларни тавсифловчи, деклорацияда қайд этилувчи миқдор (ишлаб чиқариш серияси, партияси ёки маҳсулот бирлиги);

г) тақдим этилаётган маҳсулот мазкур техник регламентнинг қайси қондаси талабларига мувофиқлиги ҳақида кўрсатма;

д) сертификатлаштириш схемаси;

е) ариза берувчининг сертификатлаштириш қоидалари ва шартларига риоя қилиш мажбуриятлари;

ж) ариза берувчининг хоҳишига кўра қўшимча маълумотлар;

з) аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати.

120. Янги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун ариза берувчи томонидан сертификатлаштиришга ариза билан бирга сертификатлаштириш органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилади:

а) маҳсулот намунасини яратиш бўйича техник топшириқлар (агар мавжуд бўлса);

б) маҳсулотга техник шартлар;

- в) дастлабки синов дастури;
- г) дастлабки синов баённомаси;
- д) қайд қилинган эксплуатация ҳужжатлар тўплами;
- е) маҳсулот намунасининг қабул қилиш синовларини ўтказишга тайёрлиги тўғрисидаги далолатнома;
- ж) қабул синовлари ўтказиш режа-жадвали;
- з) қабул синовлари дастури;
- и) қабул синовлари баённомаси;
- к) қабул комиссиясининг далолатномаси;
- л) қабул комиссияси томонидан аниқланган камчиликларни (агар мавжуд бўлса) бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ва унинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- м) маҳсулотни серияли ишлаб чиқариш учун конструкторлик ҳужжатларининг назорат тўпламини белгиланган тартибда текшириш ва тасдиқлаш яқунлари бўйича хабарнома;
- н) бозорда маҳсулот айланишининг ягона белгисини ўрнатиш усули ва жойи юзасидан таклиф.

121. Қабул қилиш ва сертификатлаштириш синовларини бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинганда, мазкур регламентнинг 120-бандида кўрсатилган ҳужжатлар қабул синовлари ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси амалга оширилгандан сўнг тақдим этилади.

122. Серияли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сертификатлаштириш тўғрисидаги ариза билан бирга ариза берувчи сертификатлаштириш органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) маҳсулотга техник шартлар;
- б) конструкторлик ва технологик ҳужжатлар (сертификатлаштириш органи билан келишилган ҳажмда);
- в) қабул (малака) синовлари баённомаси;
- г) малака комиссиясининг далолатномаси, дастлабки сертификатлашдан ўтказилган ҳолларда эса қабул комиссиясининг далолатномаси;
- д) қабул комиссияси томонидан аниқланган камчиликларни (агар мавжуд бўлса) бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ва унинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- е) ўтказилган даврий ва тур синовлари тўғрисидаги ҳисоботлар;
- ж) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш бўйича сўровнома;
- з) ишлаб чиқариш ҳажми;
- и) рекламация тўғрисидаги маълумотлар;
- к) бозорда маҳсулот айланишининг ягона белгисини ўрнатиш усули ва жойи юзасидан таклиф.

123. Ушбу регламентнинг 120 ва 122-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар ариза берувчининг реквизитлари ва идентификация рақами

кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилади ва ариза берувчининг имзоси билан тасдиқланади.

Далилий ҳужжатлар нусхалари тикилади ва ариза берувчининг имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланади. Ҳужжат тикилмаган тақдирда, ҳужжатнинг ҳар бир varaғи тасдиқланади. Барча далилий ҳужжатлар қонунчиликка мувофиқ сертификатлаштириш органидаги тегишли файлларда сақланиши керак.

124. Маҳсулотларни сертификатлашда сертификатлаштириш органи билан келишилган дастурларга мувофиқ аккредитациядан ўтган синов лабораторияларида (марказларида) ўтказилиши шарти билан қабул қилиш ва бошқа синовлар натижалари ҳисобга олинади. Бундай ҳолда, ариза берувчи синовларидан олдин сертификатлаштириш учун ариза топшириши ва сертификатлаштириш органига синовлар жадвалини тақдим этиши керак. Синов лабораторияси (маркази) сертификатлаштириш органини синовларнинг бошланиши ва бориши тўғрисида хабардор қилиши шарт. Агар уларнинг натижаларига кўра маҳсулот конструкцияси ва ишлаб чиқариш технологиясида тақрорий синовларни талаб қиладиган жиддий ўзгаришлар киритилмаган бўлса, ушбу синовлар сертификатлаш пайтида ҳисобга олинishi мумкин.

125. Сертификатлаштириш органи сертификатлаштириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқади ва уни олгандан сўнг 1 ойдан ошмаган муддат ичида ариза берувчига ўз қарори тўғрисида хабар беради.

126. Сертификатлаш тўғрисидаги аризага нисбатан ижобий қарор сертификатлаштириш учун асосий шартларни, шу жумладан қуйидаги:

- а) сертификатлаштириш схемаси тўғрисида;
- б) сертификатлаштириш муддати тўғрисида;
- в) маҳсулотни сертификатлаштиришда асос бўладиган меъёрий ҳужжатлар тўғрисида;
- г) агар бу сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш шароитини текширувни ўтказадиган ташкилот тўғрисида;
- д) маҳсулотлардан намуна танлаб олиш тартиби тўғрисида;
- е) маҳсулот намуналарини синовдан ўтказиш тартиби тўғрисида;
- ж) ишлаб чиқариш шароитларининг барқарорлигини баҳолаш тартиби тўғрисида;
- з) маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида;
- и) инспекцион назоратининг шартлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

127. Сертификатлаштириш органининг сертификатлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши учун асослар қуйидагилардир:

- а) мазкур регламентнинг 119, 120 ва 122-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни топширилмаганлиги ёки тўлиқ бўлмаслиги;

б) тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд маълумотларнинг ҳаққоний эмаслиги.

128. Сертификатлаштиришни амалга оширишда маҳсулотларни идентификациялаш ва маҳсулот намуналарини танлаб олиш сертификатлаштириш органи томонидан амалга оширилади. Синов учун маҳсулот намуналарини танлаб олиш синов ва ўлчовларнинг қоидалари ва усуллари, шу жумладан ушбу техник регламентни қўллаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган намуна танлаб олиш қоидаларини ўз ичига олган стандартларда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади. Институт томонидан рўйхати тасдиқланган мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш, синов учун танланган маҳсулот намуналари, конструкцияси, таркиби ва ишлаб чиқариш технологияси бўйича истеъмолчига (харидорга) етказиб бериладиган маҳсулотлар билан бир хил бўлиши керак.

129. Намуна олиш далолатномасида қуйидагилар бўлиши лозим:

- а) намуна олиш далолатномасини тузиш рақами ва санаси;
- б) намуналарни танлаб олишни амалга оширган ташкилот номи ва манзили;
- в) маҳсулот номи;
- г) ўлчов бирлиги;
- д) танлаб олиш ўтказилган партиянинг ўлчами (ҳажми);
- е) партияни ташқи кўриқдан ўтказиш натижалари (ташқи кўриниши, кадоқлаш ва маркировкалаш ҳолати, визуал назорат орқали аниқланган сертификатлаш кўрсаткичларини баҳолаш натижалари);
- ж) ишлаб чиқиш санаси;
- з) намуналар танлаб олиш бўйича норматив ҳужжатнинг номи ва белгиланиши;
- и) танлаб олинган намуналарнинг сони ва рақами;
- к) намуна танлаб олинган жой;
- л) ишлаб чиқарувчининг маҳсулотни якуний қабул қилиш ҳужжатлари;
- м) сертификатлаштириш органи вакиллари ва ариза берувчининг реквизитлари ва имзолари.

130. Мувофиқлик мажбурий тасдиқланиши шарт бўлган таркибий қисмлар таркибига кирувчи маҳсулотнинг намуна танлаб олиш далолатномасига алоҳида таркибий қисмларнинг мувофиқлик сертификатлари (мувофиқлик декларациялари) рўйхати ва улар тайёрланиши бўйича чизмалар рўйхати.

Танлаб олинган маҳсулот намуналари маркировкаланади ва кузатув хати ҳамда топшириш далолатномаси билан синовларга юборилади. Агар зарур бўлса, танланган маҳсулотларнинг алоҳида қисмлари тамғаланиши, шунингдек, танлаб олинган маҳсулот таркибига кирувчи алоҳида таркибий қисмлари маркировкаланиши мумкин.

131. Идентификациялашни амалга оширишда сертификатлаш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маҳсулот намуналарининг асосий

хусусиятлари маркировкада ва унга қўшиб берилган ҳужжатларда келтирилган ҳақиқий хусусиятлар билан таққосланади, шу жумладан:

- а) номи, тури, модели ва модификацияси;
- б) ишлаб чиқарувчининг номи ёки маҳсулотнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотлар;
- в) маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ҳужжат;
- г) мақсад кўрсаткичлари ва бошқа асосий кўрсаткичлар;
- д) тегишли партияга тааллуқлилиги;
- е) тегишли технологик жараёнга тааллуқлилиги.

132. Мазкур техник регламент талабларига мувофиқлик, аккредитациядан ўтган синов лабораторияларида (марзларида) ўтказилган зарур тур ва тоифадаги синовлар натижасига асосан ўрнатилади.

Юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби бирликлари, шунингдек ғилдирак жуфтликлари ва уларнинг бутловчилари, автосцепкалар қурилмалари, араваларнинг рамалари, юқори кучланишдаги занжирларнинг ҳимоя аппаратларидан ташқари, маҳсулотнинг чекланган партиясининг мувофиқлигини мажбурий тасдиқлашда, сертификатлаштириш органи маҳсулотнинг мазкур техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлари билан бир қаторда, синовлар мазкур техник регламент ва стандартлар талабларини инобатга олган ҳолда ўтказилганлиги шарти билан учинчи давлат томонидан ўтказилган синовлар баённомаларини кўриб чиқиши учун қабул қилиши мумкин. Зарур ҳолларда қўшимча синовлар ўтказилади.

133. Беш йилдан ошган синов натижалари маҳсулот намуналарини сертификатлаш учун ҳисобга олинмайди.

134. Аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) бўлмаган тақдирда, фақат техник компетентлик учун аккредитациядан ўтган синов лабораториялари (марказлари) томонидан сертификатлаш учун синовларни ўтказишга рухсат берилади. Бундай синовлар сертификатлаштириш органи вакиллари назорати остида амалга оширилади. Бундай синовларнинг объективлиги, фақат техник компетентлик учун аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) билан бир қаторда, ушбу синов лабораториясига (марказига) уларни ўтказишга кўрсатма берган сертификатлаштириш органи томонидан таъминланади.

135. Синовлар баённомаси қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- а) ҳужжатнинг номи ва белгилари, бунда ҳужжатнинг белгилари ҳар бир саҳифада такрорланади;
- б) аккредитацияланган синов лабораторияси (маркази)нинг номи ва манзили, унинг аккредитацияси тўғрисидаги маълумотлар (аккредитация аттестатининг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати);
- в) синовлар ўтказиш топшириғини берган сертификатлаш органи тўғрисидаги маълумотлар;
- г) ариза берувчининг номи ва манзили;



д) маҳсулотнинг белгиланиши (тавсифи, маркировкаси), идентификациялаш натижалари, ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги маълумотлар ва ишлаб чиқарилган санаси;

е) маҳсулотларни синовдан ўтказиш учун қабул қилиш санаси;

ж) текшириладиган кўрсаткичлар ва уларга қўйилган талаблар, шунингдек, ушбу талабларни ўз ичига олган норматив ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

з) синовларни ўтказиш санаси;

и) синовлар ўтказишда фойдаланилган стандарт ҳамда ностандарт усул ва услублар тўғрисида маълумотлар;

к) маҳсулотни синов ўтказилгунига қадар сақланиши, атроф-муҳит шароитлари, шунингдек, маҳсулотни синовларга тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар;

л) ўзининг ва ижарага олиб фойдаланилган синов ускуналари ва ўлчаш воситалари тўғрисидаги маълумотлар;

м) бошқа аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) томонидан ўтказилган синовлар тўғрисида маълумот;

н) ўтказилган синовларнинг зарур ҳолларда жадваллар, графикалар, фотосуратлар ва бошқа материаллар билан асосланган натижалари;

о) синов баённомаси фақат синов ўтказилган намуналаргагина тааллуқли эканлиги тўғрисидаги ариза;

п) олинган натижалар тўғрисидаги далилий материаллар, шу жумладан жадваллар ва (ёки) графикалар кўринишидаги дастлабки қайд этилган маълумотлар;

р) ишлов беришнинг барча мезонлари ва олинган оралиқ маълумотлар кўрсатилган, бирламчи маълумотларни қайта ишлаш жараёни;

с) аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) раҳбарининг ташкилот муҳри билан тасдиқланган имзоси;

т) синовларни ўтказган масъул ижрочиларнинг имзолари ва лавозимлари;

у) аккредитацияланган синов лабораторияси (маркази) номидан синов баённомасини тайёрлаш учун масъул бўлган шахс (шахслар)нинг имзоси ва лавозими (зарур ҳолларда);

ф) қабул қилиб олиш ва сертификатлаш синовлари бир йўла ўтказилган ҳолларда, шунингдек, синовлар ушбу регламентнинг 134-бандига мувофиқ амалга оширилганида – сертификатлаш органи вакилининг имзоси;

х) синов баённомаси (ҳисоботи)нинг чиқиш санаси;

ц) синов баённомаси (ҳисоботи)га ўзгартиришлар киритиш алоҳида ҳужжат (ҳисоботга илова, олдингисини бекор қиладиган ва алмаштирадиган янги баённома) билан расмийлаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар;

ч) синов баённомасини қисман қайта чоп этиш имкониятини истисно этувчи ариза.

136. Синов баённомасига намуналарини танлаб олиш далолатномасининг тасдиқланган нусхаси ҳамда маҳсулотнинг синовга тайёрлиги тўғрисидаги далолатноманинг нусхаси илова қилинган бўлиши керак.

Синов баённомасида олинган синов натижаларидан келиб чиқадиган тавсиялар ёки таклифлар бўлмаслиги керак.

137. Ушбу регламентнинг 135-банди талаблариги мувофиқ расмийлаштирилган синов баённомаларининг асл нусхалари сертификатлаштириш органига 2 нусхада тақдим этилади (биринчиси сертификатлаш ишига, иккинчиси ариза берувчига юборилади). Синов баённомаларининг нусхалари, агар тегишли норматив ҳужжатларда ҳамда аккредитацияланган синов лабораториясининг (марказининг) ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддатидан кам бўлмаган давр ичида аккредитацияланган синов лабораторияси (марказ) томонидан сақланиши керак.

138. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш, сертификатлашда текшириладиган барқарор хусусиятларга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитларни ўрнатиш мақсадида амалга оширилади.

139. Ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш сертификатлаштириш схемасида кўрсатилган бўлса, мувофиқлик сертификати берилган кундан бошлаб камида 6 ой олдин амалга оширилиши керак.

140. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш қуйидагиларга нисбатан амалга оширилади:

- а) технологик жараёнлар;
- б) технологик ҳужжатлар;
- в) технологик жиҳозлаш воситалари;
- г) технологик режимлар;
- д) технологик жиҳозлаш воситаларини бошқариш;
- е) метрологик ускуналарни бошқариш;
- ж) синов ва ўлчаш услублари;
- з) хом ашё ва бутловчи қисмларни назорат қилиш тартиби;
- и) маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида уларни назорат қилиш тартиби;
- к) номувофиқ маҳсулотларни бошқариш;
- л) рекламация билан ишлаш тартиби.

141. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш якунлари бўйича сертификатланаётган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш далолатномаси тузилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- а) текшириш натижалари;
- б) маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳолатини текширишда фойдаланиладиган қўшимча материаллар;
- в) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатининг умумий баҳоси;

г) тузатиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг зарурияти ва муддатлари.

142. Сертификатланадиган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш далолатномаси сертификатлаштириш органида сақланади, унинг нусхаси эса ариза берувчига юборилади.

143. Сертификатлаштириш органи синов баённомасини (ҳисоботларини) ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш натижаларини таҳлил қилгандан сўнг (агар бу сертификатлаштириш схемаси ва шартномада белгиланган бўлса) мувофиқлик сертификатини бериш (рад этиш) тўғрисида қарор тайёрлайди.

144. Сертификатлаштириш органининг мувофиқлик сертификатини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишига қуйидагилар асос бўлади:

а) маҳсулотнинг мазкур техник регламент талабларига номувофиқлиги;  
б) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатини текширишнинг салбий натижаси (агар у сертификатлаштириш схемасида ўрнатилган бўлса);

в) тақдим этилган ҳужжатларда ишончли бўлмаган маълумотларнинг мавжудлиги.

145. Мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисидаги қарор асосида сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради, уни Ягона шаклда тузилган берилган мувофиқлик сертификатлари ва рўйхатга олинган мувофиқлик тўғрисидаги декларациялари ягона Давлат реестрига ўрнатилган тартибда рўйхатга қўяди ва ариза берувчига тақдим этади. Рўйхат рақами мавжуд бўлгандагина сертификат ҳақиқий ҳисобланади.

146. Мувофиқлик сертификатлари ягона шаклда тузилган берилган мувофиқлик сертификатлари ва рўйхатга олинган мувофиқлик тўғрисидаги декларациялари ягона Давлат реестрига рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

Мувофиқлик сертификати унинг амал қилиши татбиқ этиладиган маҳсулотларнинг маълум турлари ва рўйхатини ўз ичига олган иловага эга бўлиши мумкин.

147. Мажбурий мувофиқлиги тасдиқланиши шарт бўлган таркибий қисмларни ўз ичига олган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати, ушбу таркибий қисмларга мувофиқлик сертификатлари ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларациялари мавжуд бўлган тақдирдагина берилиши мумкин. Мувофиқлик сертификатига иловада мувофиқлиги тасдиқланиши лозим бўлган таркибий қисмларга фақат мувофиқлик сертификатлари ёки мувофиқлиги тўғрисидаги декларациялар мавжуд бўлганда маҳсулотни бозорда айланишининг ягона белгиси билан маркировка қилиш тўғрисида ёзув киритилади.

148. Алоҳида таркибий қисмлари учун мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик тўғрисида декларациясига эга бўлмаган маҳсулотларнинг тажрибавий намуналари, алоҳида таркибий қисмлари учун мувофиқлик

сертификати ёки мувофиқлик тўғрисида декларация олингунга қадар назорат остида фойдаланишга чиқаришга руҳсат этилади.

149. Маҳсулотнинг конструкциясига ёки ишлаб чиқариш технологиясига, маҳсулотнинг ушбу техник регламентнинг талабларига мувофиқлигига таъсир қилиши мумкин бўлган ўзгартиришлар киритилганида, аризачи бу ҳақда олдиндан сертификатлаш органига хабар беради, сертификатлаш органи эса ўз навбатида янги синовларни ўтказиш ёки маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

150. Сертификатлашдан ўтган маҳсулотга илова қилинадиган фойдаланишга оид ҳужжатлар (фойдаланиш бўйича қўлланма, техник паспорт (формуляр), ёрлик, этикетка)да, шунингдек, товарнинг кузатув ҳужжатларида бозорда маҳсулот айланишининг ягона белгиси, сертификатлашдан ўтказилганлик ёзуви, шунингдек, мувофиқлик сертификати бланкининг ҳисобга олиш рақами, унинг рўйхатга олиш рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилган бўлиши лозим.

151. Мувофиқлик сертификати эгасининг аризасига кўра мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати маҳсулотларнинг конструкцияси ва ишлаб чиқариш технологиясида ўзгаришлар, истеъмолчилар томонидан рекламация ва шикоятлар киритилмаган тақдирда, шунингдек, сўнгги инспекцион назоратнинг ижобий натижаларига кўра қайта сертификатлаш ишларини яқунлаш учун 1 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

152. Мувофиқлик сертификатининг эгаси республика ҳудудида фойдаланиш мақсадида мувофиқлик сертификатининг тасдиқланган нусхаларини беришга ҳақлидир.

153. Инспекцион назорат, сертификациялаш схемасида назарда тутилган бўлса, уни сертификатлашни амалга оширган сертификатлаштириш органи томонидан амалга оширилади. Инспекцион назорат, маҳсулот мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати давомида ушбу техник регламент талабларига жавоб беришда давом этаётганлигини аниқлаш мақсадида синов натижалари ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш тўғрисида, шунингдек мувофиқлик сертификати ҳамда маҳсулот бозорда айланишининг ягона белгисини қўллаш талаб ва қоидаларига риоя этилганлиги тўғрисида маълумотлар олишни таъминловчи режали ва режадан ташқари текширишлар шаклида амалга оширилади.

154. Инспекцион назоратни даврийлиги ва ҳажмини аниқлаш мезонлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- а) маҳсулотнинг потенциал хавф даражаси;
- б) маҳсулотни сертификатлашдан ўтказиш натижалари;
- в) маҳсулотни ишлаб чиқариш барқарорлиги;
- г) маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми;
- д) маҳсулотни ишлаб чиқаришда сифат менежмент тизимининг

сертификатланганлиги;

е) инспекцион назорати ўтказиш харажатлари.

155. Инспекцион назоратини ўтказиш хажми, даврийлиги, муддати, мазмуни ва тартиби сертификатлаштириш органининг мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисидаги қарорида белгиланади.

156. Режадан ташқари инспекцион назорат маҳсулот хавфсизлигига шикоятлар тўғрисидаги маълумотлар (тасдиқловчи ҳужжатлар) мавжуд бўлганда амалга оширилади. Ушбу маълумотлар истеъмолчилар, шунингдек мувофиқлик сертификати берилган маҳсулотлар хавфсизлиги устидан давлат назоратини (текширувни) амалга оширувчи органлардан олинishi мумкин. Режадан ташқари инспекцион назоратда ишларнинг хажми маҳсулот хавфсизлигини таъминлашда аниқланган камчиликлар билан боғлиқ технологик жараёнларни текшириш зарурати билан белгиланади ва ишлаб чиқарувчи томонидан беғараз амалга оширилади.

157. Инспекцион назорат қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) маҳсулотни сертификатлаш материаллари таҳлили;

б) сертификатланган маҳсулотлар тўғрисида тушаётган маълумотлар таҳлили;

в) сертификатланган маҳсулотнинг ҳужжатларни ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини текшириш;

г) намуналарни танлаб олиш ва идентификатлаш, намуналарни синовдан ўтказиш ва олинган натижалар таҳлили;

д) сертификатлашда қайд этилган маҳсулотнинг хавфсизлик кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи, маҳсулотнинг конструкцияси ва ишлаб чиқариш технологиясига ўзгаришлар киритилмаганлигини текшириш;

е) агар сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш;

ж) илгари аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган мувофиқлаштирувчи ҳаракатларни текшириш;

з) бозорда маҳсулот айланмасининг ягона белгиси билан маҳсулот маркировкаланиши ва унга тегишли ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш;

и) сертификатланган маҳсулот рекламациялари таҳлили.

158. Инспекцион назорат ўтказишда синовларни ўтказиш мазмуни, хажми ва тартиби инспекцион назоратни амалга оширувчи сертификатлаштириш органи томонидан белгиланади.

159. Инспекцион назорат натижалари инспекцион назорат далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Ушбу регламентнинг 155-бандига мувофиқ бажарилган ишлар натижалари асосида инспекцион назоратни амалга ошириш тўғрисидаги далолатномада маҳсулот мазкур техник регламент талабларига мувофиқлиги, уларни амалга ошириш ва берилган мувофиқлик сертификатини сақлаб қолиш имкониятининг барқарорлиги ёки мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш (бекор қилиш) тўғрисида хулоса қилинади.

160. Инспекцион назорат натижаларига кўра қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши мумкин:

а) агар маҳсулот ушбу техник регламент талабларига жавоб берса, мувофиқлик сертификати амал қилишда давом этади;

б) агар ариза берувчи тузатиш тадбирлари ёрдамида маҳсулотнинг мазкур техник регламент талабларига аниқланган номувофиқлик сабабларини бартараф эта олса, мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилади;

в) агар ариза берувчи тузатиш тадбирлари ёрдамида маҳсулотнинг мазкур техник регламент талабларига аниқланган номувофиқлик сабабларини бартараф эта олмаса, мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилади, мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тугатилади.

161. Мувофиқлик сертификати амал қилишининг тугатилиши, берилган мувофиқлик сертификатлари ва рўйхатдан ўтган мувофиқлик декларацияларининг ягона шаклда тузилган Сертификатлаштириш миллий тизими давлат реестрида тегишли ёзув киритилган кундан бошлаб кучга киради.

162. Агар белгиланган муддат ичида мувофиқлик сертификати эгасининг айби билан инспекцион назоратни амалга оширишнинг иложи бўлмаса, сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни қуйидаги ҳолларда қабул қилади:

а) мувофиқлик сертификати эгасининг сертификатлаштириш органи билан инспекцион назоратни ўтказиш учун шартнома тузишдан бош тортиши;

б) мувофиқлик сертификати эгасининг инспекцион назорат учун сертификатлаштириш органи билан тузилган шартнома бўйича тўловни амалга оширишни рад этиши;

в) мувофиқлик сертификати эгасининг инспекцион назорат ўтказиш пайтида сертификатлаштириш органи ходимларининг ишлаши учун шароит яратишдан бош тортиши (бино, ушбу регламентнинг 157-бандига мувофиқ керакли маълумотларни тақдим этиш).

163. Агар мувофиқлик сертификати эгаси олти ойдан ортиқ муддат давомида сертификатланган маҳсулотни ишлаб чиқармаса, маҳсулотни муомалага чиқариш фақат режадан ташқари инспекцион назорат ўтказилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

164. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тўхтатиб қўйилган тақдирда:

а) сертификатлаштириш органи:

бу ҳақда, темир йўл транспорти соҳасида текшириш ва назорат қилиш функцияларини амалга оширувчи органлар ҳамда манфаатдор ташкилотларни хабардор қилади;

мувофиқлаштириш чораларини амалга ошириш муддатини белгилайди ва мувофиқлик сертификати эгаси томонидан уларни амалга оширилишини

назорат қилади.

б) мувофиқлик сертификати эгаси:

истеъмолчиларга юбориладиган ўрнатилган талаблардан четга чиққан маҳсулотлар сони ва дислокациясини белгилайди;

маҳсулотлардан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида истеъмолчиларни ва бошқа манфаатдор ташкилотларни хабардор қилади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш тартибини маълум қилади;

аниқланган камчиликларни жойларда бартараф қилади ёки маҳсулотни ишлаб чиқарувчи томонидан маромига етказиш учун қайтарилишини таъминлайди.

165. Мувофиқлик сертификатининг амал қилишининг тўхтатиб қўйилиши ёки бекор қилиниши, шунингдек мувофиқлик сертификатини қайта тиклаганлиги тўғрисидаги маълумотларни сертификатлаштириш органи томонидан темир йўл транспорти соҳасида текшириш ва назорат қилиш функцияларини амалга оширувчи ваколатли органлар ва манфаатдор ташкилотларга маълум қилинади.

166. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиши бекор қилинган маҳсулотлар, ариза берувчи томонидан керакли мувофиқлаштириш чоралари кўрилгандан сўнг сертификатлаш учун қайта тақдим қилиниши мумкин. Қайта сертификатлашда сертификатлаштириш органи аввалги сертификатлашнинг ижобий натижаларини ҳисобга олиши мумкин.

167. Қурилиши тугалланган темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари эксплуатацияга қабул қилиш тартиб таомилларидан ўтиши керак.

168. Эксплуатацияга қабул қилиш тўлиқ ёки қурилиш босқичларида лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ ва унга ўрнатилган тартибда киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

169. Эксплуатацияга қабул қилиш буюртмачи томонидан тайинланган қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

Қурилиши давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилган умумий фойдаланишдаги темир йўлларни, шунингдек, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини фойдаланишга қабул қилиш ваколатли орган томонидан тайинланган қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

170. Қурилиши тугалланган юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг тайёрлигини текшириш учун буюртмачи қабул комиссиясига тақдим этиш учун қурилишни тугатиш тўғрисида пудратчидан расмий хабар олганидан кейин ишчи комиссияни (ишчи комиссиялари) тайинлайди.

171. Эксплуатацияга қабул қилишга тайёрлиги тўғрисида ишчи комиссиянинг қарори қабул қилинади:

а) юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини

текшириш натижалари бўйича ва унга белгиланган тартибда киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари;

б) пудратчи томонидан ишлаб чиқилган ижро ҳужжатлари таҳлили асосида натижалари;

в) ўлчашлар натижалари асосида, шу жумладан автоматлаштирилган йўлларни ўлчаш ва диагностика тизимлари ёрдамида, иншоотлар, мосламалар ва механизмларнинг синовлари, шунингдек ускуналарни комплекс синовдан ўтказиш.

172. Ишчи комиссия томонидан текшириш натижалари бўйича юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини қабул комиссияси учун қабул қилишга тайёрлиги тўғрисида хулоса тузади. Агар лойиҳа ҳужжатларидан четланишлар аниқланса, улар юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объекти қабул комиссияси томонидан қабул қилинишидан олдин бартараф қилиниши керак.

173. Қабул комиссиялари ишчи комиссиялар томонидан аниқланган номувофиқликларнинг бартараф этилишини ва юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг фойдаланишга қабул қилишга тайёрлигини текширишлари шарт. Белгиланган текшириш буюртмачи томонидан тузилган ва қабул комиссияси томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ амалга оширилади. Қурилиши тугалланган юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини қабул комиссияси томонидан ишчи комиссия хулосаси, шунингдек, пудратчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида қабул қилиш бўйича далолатнома расмийлаштирилади.

Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси қабул комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланиши керак, уларнинг ҳар бири ўз ваколатлари доирасида комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар учун жавобгардир. Қабул қилиш комиссиясининг айрим аъзолари актни имзолашдан бош тортган тақдирда, улар ваколатига кирадиган масалалар бўйича шарҳлар баёноти билан тегишли органларнинг хулосаларини, уларнинг вакили бўлган комиссия раисига тақдим этишлари шарт.

Ушбу шарҳлар хулоса берган органлар иштирокида олиб ташланиши керак.

Қабул комиссиясининг иши учун белгиланган муддат давомида эътирозлар олиб бартараф этилмаган тақдирда юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари қабул комиссияси томонидан ишга туширишга тайёр бўлмаган деб тан олинishi керак.

174. Лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий муҳитни тиклаш, ерларни рекултивация қилиш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ишларни яқунламай туриб, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини фойдаланишга топшириш тақиқланади.



175. Темир йўл транспорти инфратузилмасини фойдаланишга топширишга рухсат олиш учун буюртмачи қонунчиликка мувофиқ, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини фойдаланишга топшириш учун рухсатномалар бериш ваколатига эга органга мурожаат қилади. Аризага қонунчиликда назарда тутилган тартибда ҳужжатлар илова қилинади.

Ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари ижобий бўлган ҳолда буюртмачига юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасини фойдаланишга қабул қилишга рухсатнома тақдим этилади.

### **7-боб. Техник регламент талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати**

176. Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркибига ушбу Техник регламент билан белгиланган талабларга риоя қилиш бўйича давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, шунингдек, бошқа махсус ваколатли давлат органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

### **8-боб. Яқунловчи қоидалар**

177. Техник регламент кучга киргандан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ва темир йўл маҳсулотларининг хавфсизлиги талабларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Техник регламент билан мувофиқлаштирилгунга қадар Техник регламентга зид бўлмаган қисмлари бўйича қўлланилади.

178. Ушбу Техник регламентга иловада назарда тутилган фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун олинган мувофиқлик сертификатлари ушбу Техник регламент кучга киргунга қадар сертификатларда белгиланган муддатлар давомида амалда бўлади.

179. Ушбу Техник регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**“Юқори тезликдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида”ги  
техник регламент талаблари тадбиқ этиладиган техник жиҳатдан  
тартибга солиш объектлари  
РЎЙХАТИ**

**I. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси қуйи  
тизимларининг таркибий қисмлари**

1. Темир йўл устки қурилмалари
2. Сув ўтказувчи, деформацияни олдини олувчи, ҳимояловчи ва мустаҳкамловчи иншоотлар
3. Темир йўллар
4. Темир йўл станциялари
5. Тупроқ кўтармаси
6. Контакт тармоғи
7. Темир йўл кўприклари
8. Темир йўл ҳудудини ҳимояловчи тўсиқ
9. Йўловчи платформалари
10. Темир йўл устидан ўтувчи пиёдалар ўтиш кўприги
11. Темир йўл остидан ўтувчи пиёдалар ўтиш тоннели
12. Темир йўл станциялари ва перегонда (бекатлар оралиғида) сигналлаштириш марказлаштириш ва блоклаш қурилма ва ускуналари (Темир йўл бекатлари ва бекатлар оралиғида марказлашган ҳолда тартибга солинган сигналлаштириш, блоклаш қурилмаси тизимлари)
13. Темир йўл электралоқа тизимлари, қурилма ва ускуналари (Темир йўлда тартибга солинган электралоқа қурилмаси тизимлари)
14. Темир йўл бекатлари ва бекатлар оралиғида электр таъминоти тизими, қурилма ва ускуналари
15. Темир йўл тоннеллари
16. Трансформатор нимстанциялари
17. Сув ўтказувчи қувурлар
18. Тортиш нимстанцияси (секциялаш пости)
19. Темир йўл участкаси
20. Шовқиндан ҳимояловчи иншоотлар ва қурилмалар.

**Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси қуйи тизимлари таркибий қисмларининг элементлари:**

<b>Т/р</b>	<b>Темир йўл маҳсулотлари номи</b>	<b>ТИФ ТН код</b>
1.	Темир йўл транспортида қўлланилувчи автоматлаштирилган ўлчаш ва назорат синов дастгоҳлари ва тизимлари (Темир йўл транспортида қўлланилувчи, автоматлаштирилган ўлчаш ва назорат синов дастгоҳлари тизими)	8530
2.	Темир йўл транспортида ҳаракат ва ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ темир йўл транспорти бўлинмалари ходимларининг автоматлаштирилган иш жойлари	8530
3.	Темир йўл транспортида ҳаракат ва ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ технологик жараёнларни автоматлаштирилган тезкор бошқариш тизимлари	8530
4.	Темир йўл электртаъминоти телемехникаси аппаратуралари	8530
5.	Релс уламалари учун болтлар	7302
6.	Темир йўл изи маҳкамловчилари учун закладной болтлар	7318
7.	Темир йўл изи маҳкамловчилари учун клеммали болтлар	7302
8.	Кенглиги 1520 мм бўлган темир йўллар учун стрелкали ўтказгичларга мўлжалланган темир бетон бруслар	6810
9.	Темир йўл электр таъминоти қурилмалари учун кувватсизлантирувчи вентиллар ва ортиқча кучланишни чекловчилар	8535
10.	Релс уламаси болтлари учун гайкалар	7318
11.	Темир йўл релс маҳкамловчиларининг закладной болтлари учун гайкалар	7318
12.	Темир йўл изи маҳкамловчиларининг клеммали болтлари учун гайкалар	7318
13.	Ўтказувчан индуктив датчик	85
14.	Рақамли кодланган автоблоклаш дешифраторлари	90
15.	Электрлаштирилган темир йўллар контакт тармоғи қурилмаларининг диодли ерга улагичлари	85

16.	Электрлаштирилган темир йўлларнинг контакт тармоқлари таянчлари учун темир бетон устунлари	6810
17.	Электрлаштирилган темир йўлларнинг контакт тармоқлари учун изоляторлар	8546
18.	Релс маҳкамлаш учун пружинали прутдан клеммалар	7302
19.	Узлуксиз маҳкамлаш учун ЖБР-65 пружинали клеммалар	7302
20.	Бўлакланувчи ва бўлакланмайдиган релс маҳкамловчилари клеммаси	7302
21.	Стрелкали ўтказгичлар крестовиналари	73
22.	Ёруғлик фильтр линзалари ва линзалар, темир йўл транспорти линзали светофорлари учун лампа ушлагичи билан линзали тўпламлар	7014 00 000 8530
23.	Электрлаштирилган темир йўлларнинг контакт тармоғи таянчлари учун темир металл устунлари	7308
24.	Темир йўл релсларининг изоляцияли уламалари учун релс накладкалари	73
25.	Кенг энли темир йўллар учун икки каллакли релс накладкалари	7302
26.	Турли ҳил тип ва маркали стрелкали ўтказгич айрилари (остряк)	73
27.	Темир йўлнинг бўлакланувчи маҳкамловчилар подкладкалари	7302
28.	Темир йўл стрелкали ўтказгичлари гарнитураси, ташқи туташтирувчилари	
29.	Тонал релс занжири учун генератор, приёмник, фильтр ва кучайтиргич	
30.	Ғилдирак ўқларни ҳисоблаш тизими ва темир йўл участкаларини назорат қилиш датчиклари	
31.	Рақамли кодланган автоблоклаш дешифраторлари ва дешифратор блоклари	
32. 30	Ҳаракат хавфсизлиги ҳамда ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ технологик жараёнларни оператив бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари учун темир йўл транспортининг дастурий воситалари	85
33.	Темир йўл релсларига пружинали противоугонлар	7302 90
34.	Темир йўл контакт тармоғи учун мис ва унинг қотишмасидан контакт симлар	8544
35.	Релс маҳкамловчилар прокладкалари	7302

36.	Электрлаштирилган темир йўлларнинг электр таъминоти тизимларининг тортиш нимстансиялари учун ажратгичлар	85
37.	Электромагнит хавфсиз реле, жумладан, темир йўл автоматика ва телемеханикаси учун электрон реле, реле блоклари	8535 8536
38.	Кенг энли темир йўллар учун релслар	7302
39.	Айрили темир йўл релслари	7302
40.	Контррелсли темир йўл релслари	7302
41.	Релс маҳкамлагичлари	7302
42.	Электрлаштирилган темир йўллар контакт тармоғи осмаси қурилмаларининг кўндаланг қаттиқ ригеллари	73
43.	Темир йўл транспорти сигнал қурилмалари учун ёруғлик фильтрлари, линзалар, ёруғлик фильтрли линзалар, нур ёйувчи ва бурилувчи ўрнатма	7014 00 000 8530 90 9002 9405 91
44.	Электрлаштирилган темир йўл электр таъминот қурилмалари учун статик ўзгартирувчи қурилмалари	8504 40
45.	Темир йўл стрелкали ўтказгичлари, таъмир комплектлари (ярим стрелкали ўтказгич), берк кесишмалари	7302 8608 00 000
46.	Стрелкали электромеханик приводлар	8501 8608 00 000
47.	Темир йўл релслари изоляцион уламаси	7302
48.	Пружинали темир йўл қисмлари (икки айланмали шайба, ликопча симон пружина, клеммалар)	7302 7318 21 000 0 7320
49.	Электрлаштирилган темир йўлларнинг уланиш станцияларини ҳимоялаш қурилмалари	85
50.	Электрлаштирилган темир йўлларнинг контакт тармоқлари таянчларининг пойдеворлари	68
51.	Кенглиги 1520 мм бўлган темир йўллар учун темир бетон шпаллар	6810
52.	Темир йўл шуруплари	7318
53.	Темир йўллар балласт қатлами учун табиий тошдан шағал	2517
54.	Темир йўл стрелкали ўтказгичларининг маҳкамлаш элементлари	73

## II. Юқори тезликда ҳаракатланувчи темир йўл таркиби

Доимий тоқда, ўзгарувчан тоқда, икки тизимли (доимий ва ўзгарувчан тоқда) электропоездлар, шунингдек, уларнинг вагонлари

**Юқори тезликда ҳаракатланувчи темир йўл таркибининг таркибий қисмлари:**

<b>Т/р</b>	<b>Темир йўл маҳсулотлари номи</b>	<b>ТИФ ТН код</b>
1.	Тормоз ричаг узатгичини автоматик ростлаш мосламаси (автоматик ростлагич)	8607
2.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби автоматик тўхтаб туриш тормози	8607
3.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибини қисқа туташув тоқларидан ҳимоя ва назорат қилувчи юқори вольтли аппаратлар	8535
4.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун бандаж	8607
5.	Магнит релсли тормоз бошмоқлари	8607
6.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг тормоз колодкаси бошмоқлари	8607
7.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби диски тормоз накладкасининг тормоз бошмоқлари	8607
8.	Тормозлар блокировкаси	8607
9.	Электр ҳаракатдаги таркиб учун қувватсизлантирувчи вентиллар ва ортикча кучланишни чекловчилар	8535
10.	Ҳаво тақсимлагичлар	8607
11.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун ёрдамчи электр машиналар (1 кВт дан юқори)	8501
12.	Электр ҳаракатдаги таркиб учун юқори тезликли автоматик ўчиргичлар ва асосий ўчиргичлар	8501
13.	Юқори вольтли вагонлараро уланишлар (биргаликда розетка ва штепсел)	8535
14.	Юқори тезликда ҳаракатланувчи темир йўл таркибининг юқори мустаҳкам ойна маҳсулотлари	7007 7007 11 100 7007 21 7007 29 7008 00
15.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг гидравлик демпферлари	8607
16.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун тормоз дисклари	8607
17.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг тормоз пневматик тизимлари учун резинали зичлагич	4016

	маҳсулотлари (диафрагмалар, манжетлар, воротниклар, зичлагичлар, прокладкалар)	
18.	Автосцепка қурилмасининг тортиш хомутининг понаси	73
19.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун компрессорлар	8607
20.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби тортиш узатгичининг цилиндрик тишли ғилдираклари	8607
21.	Юқори тезликда ҳаракатланувчи темир йўл таркибининг таркибий ғилдираклари	8607
22.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг қуйма ғилдираклари	8607
23.	Юқори тезликда ҳаракатланувчи темир йўл таркибининг ғилдирак жуфтликлари	8607
24.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун композицион тормоз колодкалари	8607
25.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун қўшма (чўян-композицион) тормоз колодкалари	8607
26.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун чўян тормоз колодкалари	8607
27.	Юқори вольтли электропневматик ва электромагнит контакторлар	8535
28.	Автосцепка корпуси	8607
29.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун машинистлар ўриндиқлари	9401
30.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун йўловчилар ўриндиқлари	9401
31.	Юқори тезликда ҳаракатланувчи темир йўл таркиби кузови	86 07 91
32.	Дискли тормоз қисқич механизми	8607
33.	Дискли тормоз накладкаси	8607
34.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг ишлов берилган ўқлари	8607
35.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг ишлов берилмаган ўқлари	8607
36.	Автосцепка олд ва орқа тўсинлари	8607
37.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун юқори вольтли ўзгартиргич ва ажратгичлар	85
38.	Автосцепка зарба сўндирувчи аппарати	86
39.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби буксаси учун роликли подшипниклар	8482

40.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун юқори вольтли химоялагичлар	85
41.	Тортувчи ва тортмайдиган ҳаракатдаги темир йўл таркибининг статистик электр ўзгартирувчилари	85
42.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун электромашина электр ўзгартиргичлари	8501
43.	Магнитрелсли тормоз приводи	8607
44.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг сирпанишга қарши қурилмаси	85
45.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг рессорли осма пружиналари	7320
46.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун ажратгичлар, қисқа туташгичлар, юқори вольтли ерга улагичлар	85
47.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун реактор ва реактор қурилмалари	85
48.	Тортувчи ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун ҳаво резервуарлари	73 7310
49.	Электрпоездлар учун тортувчи узатмаси муфтларининг резина-корд қопламалари	40
50.	Электрик тормозни ишга туширувчи демпфер резисторлари	85
51.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун паст вольтли электр жиҳозлари: паст вольтли контроллерлар; автоматик ўчириб-ёқиш мосламалари; электромагнит ва электрон (химоя, оралик, вақт ва дифференциал) релелари	8535
52.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби тормозлари учун улаш енгчаси	4009
53.	Моторвагонли ҳаракатдаги таркиб учун ойна тозалагичлар	8479 89 970 8
54.	Сцепка, жумладан, автосцепка	8607
55.	Моторвагонли ҳаракатдаги таркиб учун прицеп вагонлари аравачалари	8607
56.	Моторвагонли ҳаракатдаги таркиб учун тифонлар	83 06 10 000 0
57.	Машинастнинг тормоз кранлари	8607
58.	Электрпоездлар учун тортиш электродвигателлари	8501
59.	Автосцепканинг тортиш хомути	73 86



60.	Тормоз кучини юкланмага боғлиқ ҳолда автоматик ростлаш мосламаси (авторежим)	85
61.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг бошқариш, назорат ва хавфсизлик қурилмалари, комплекслари, дастурий воситалари	85
62.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун дискли ғилдирак марказлари	8607
63.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун қўйма ғилдирак марказлари (қўйма, ишлов берилган)	8607
64.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун тормоз цилиндрлари	8607
65.	Электропоездлар иситиш тизимлари учун электрокалориферлар	8516
66.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун паст вольтли электр жиҳозлари: паст вольтли контроллерлар; ўчириб-ёқиш мосламалари; электромагнит (ҳимоя, оралиқ, вақт ва дифференциал) релелари	85
67.	Электропоездлар электр жиҳозлари	85
68.	Электропоезд иситиш тизимлари учун электр иситгичлар қурилмалари	85

**Фойдаланишга қабул қилиниши лозим бўлган  
юқори тезликдаги темир йўл транспорти  
инфратузилмаси объектлари  
РЎЙХАТИ**

1. Темир йўл устки қурилмалари
2. Сув ўтказувчи, деформацияни олдини олувчи, ҳимояловчи ва мустаҳкамловчи иншоотлар
3. Темир йўллар
4. Темир йўл станциялари
5. Тупроқ кўтармаси
6. Контакт тармоғи
7. Темир йўл кўприклари
8. Темир йўлни ҳудудини ҳимояловчи тўсик
9. Йўловчи платформалари
10. Темир йўллар устидан ўтувчи пиёдалар ўтиш кўприги
11. Темир йўллар остидан ўтувчи пиёдалар ўтиш тоннеллари
12. Темир йўл бекатлари ва бекатлар оралиғида сигналлаштириш, марказлаштириш ва блоклаш қурилма ва ускуналари;
13. Темир йўл электралоқа тизимлари, қурилма ва ускуналари;
14. Темир йўл бекатлари ва бекатлар оралиғида электр таъминоти тизими, қурилма ва ускуналари;
15. Темир йўл тоннеллари
16. Трансформатор нимстанциялари
17. Сув ўтказувчи қувурлар
18. Тортиш нимстанцияси (секциялаш пости)
19. Темир йўл участкаси
20. Шовқиндан ҳимояловчи иншоотлар ва қурилмалар.